Давлат китоб палатасининг Ўзбекистон палата ўзаги
70297

БИЛИМ ЮРТИМИЗГА КЕЛИНГ

НАМАНГАН. Бугунги кунда Э. Отахонов номидаги Наманган таянч тиббиёт билим юртида 1800дан зиёд талаба табобат сирларини ўрганади. Уларга 3 нафар фан номзоди, 20 дан зиёд олий тоифали шифокор-ўқитувчи, 100 га яқин тажрибали ўқитувчилар сабоқ беради. 1997 йил — инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши хамманинг кўнглини кўтариб юборди. Кам таъминланган оилалардан 100 дан ўқиётган 57 нафар талаба-ёшлар бир пиёла чойга таклиф қилиниб, уларга вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари, билим юрти маъмурияти, "Камолот" жамғармаси томонидан моддий ёрдам кўрсатилди, эсдалик совғалари топширилди. "Йилнинг энг яхши талабаси" деган юксак номга эга бўлган 14 нафар ўқувчига ойлик стипендия миқдорида пул мукофоти берилди.

Қодир АНВАРОВ.

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАН

ТОШКЕНТ. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида ўтказилган илмий-назарий анжуман шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ижодига бағишланди. "Алишер Навоий ва саҳна санъати тараққиёти муаммолари" деб номланган бу йиғинни республика маданият вазирининг ўринбосари Р. Юнусов бошқарди. Санъатшунослардан Т. Гофурбеков, М. Кодиров, М. Тўрахўжаев ва бошқалар маъруза қилишди. Академик Иззат Султоннинг саҳнада Навоий сиймосини яратиш тарихи билан боғлиқ хотиралари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

КУННОМА
янгиликлар воқеалар хабарлар

КОТИБ САЙЛАНДИ

ФАРҒОНА. ЎзХДП Қува шаҳар кенгашининг таъсис конференцияси бўлди. Йиғилганлар бир овоздан ЎзХДП Қува шаҳар ташкилотини тузиш ҳақида қарор қабул қилишди. Шаҳар кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолари сайланди. Янги ташкил этилган партия кенгашининг ташкилий пленуми ҳам ўтказилди. Қува ҳокимлигининг масъул ходими вазифасида ишлаб турган М. Ғозибоева шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Алишер ИБОДИНОВ.

ЧЎЛДА САКСОВУЛЗОР

НАВОИЙ. Қизилтепа ўрмончилари ўртачўл саҳроларини ўзлаштириб, саксовулзорлар барпо этмоқдалар. Кейинги бир йил мобайнида олти гектар саксовулзор, шунча майдонда боғ-роғ бунёд этилди. Яқинда 30 гектар ерга саксовул уруғи ташланди. Бундай хайрли ишларни бажаришда Жўрабой ва Хайрулло Норов, Мажид Худойқулов ҳамда Одил Қораевлар ғайрат кўрсатишмоқда. Саксовулнинг ҳосияти шундаки, суғориш шарт эмас, кучли шамолни тўсади, кўплаб кислород чиқаради.

Баҳодир ЭГАМОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 13 февраль, пайшанба № 19 (22.104).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

КИЧИК НОВВОЙХОНАЛАР

НУКУС. Аҳолини иссиқ нонга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида шаҳар ва туманларда ўзига хос юмушлар қилинмоқда. Кейинги 2-3 ой ичида Элликқалъа ва Амударё туманларида Германиянинг «Винклер» фирмаси билан биргаликда тайёрланган кичик новвойхоналар ишга туширилди. Бу новвойхоналарда кунига 2 тоннадан бўрсилдоқ нон тайёрланмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Бу дунёнинг ишлари

☑ Ҳиндистон ҳукумати мамлакат қуролли кучларини замонавий жанговар техника билан қайта жиҳозлашни тезлаштириш ниятида. Мамлакат мудофаа вазири Мулаям Сингхнинг таъкидлашича, яқин кунларда Ҳиндистон Россиядан «Кило» русумидаги иккита сув ости кемасини сотиб олади.

* * *

☑ АҚШ ҳарбий мудофаа маҳкамаси 1200 нафар аскарни Кувайтдаги ҳарбий базаларига юборди. Бу ерда улар 5 ойлик ҳарбий машқ ўтайди, деб маълум қилди Пентагон вакили. Унинг таъкидлашича, ушбу ҳарбий ўқув машғулотлари ўтган йили бошланган «Интристик экшн» деб номланган машқларнинг давомидир.

* * *

☑ АҚШнинг Сан-Франциско шаҳри симфоник оркестри жамоаси икки ойлик иш ташлашдан сўнг ниҳоят маъмурият билан янги меҳнат шартномаси тузди. Узоқ давом этган тортишувлардан сўнг мусиқачилар маошларини оширишга муваффақ бўлдилар. Шартномага мувофиқ, ҳафталик маош бундан буён 1600 доллар миқдорида белгиланди.

* * *

☑ НАТО Бош котиби Хавьер Солана Кавказорти давлатларига сафари чоғида Босниянинг Мастар шаҳрида мусулмонлар билан хорватлар ўртасида юз берган тўқнашувдан қаттиқ ташвиш билдирди. У мусулмон ва хорват аҳолисини тинчликни сақлашга чақирар экан, мазкур тартибсизликлар Босниядаги тинчлик жараёнига жиддий хавф солишини таъкидлади.

* * *

☑ Албания парламенти мамлакат жанубидаги Влера шаҳрида фавқулодда ҳолат жорий қилиш ҳақидаги ҳукумат таклифини рад этди. Куни кеча ушбу шаҳар кўчаларида намойишчилар билан полициячилар ўртасида қонли тўқнашув юз берган эди. Албания Бош вазири Александр Мексининг таъкидлашича, агар армия бўлинмаларидан фойдаланилганда, ушбу тартибсизликларнинг олди олинган бўлар эди.

* * *

☑ Непалда ер қимирлаши юз берди. Зилзиланинг кучи Рихтер ўлчови бўйича 4,1 баллга етган. Бу ерда табиат ҳодисаси февраль ойининг ўзида бешинчи бор қайд этилаётир. Албатта, бу Непал қироллигини жиддий ташвишга солаётир. Маҳаллий сейсмологларнинг фикрича, яқин кунларда мамлакат пойтахти Катманду атрофида кучли ер силкиниши рўй бериши мумкин.

* * *

☑ Исроил ҳукумати қўпорувчиликка алоқадорликда шубҳаланилаётган ва ҳозир ҳибсда ушлаб турилган Фаластин аёлларининг барчасини озод этишга қарор қилди.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 февраль куни Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Валерий Серов бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганини қайд этиб, мазкур делегация ташрифи ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади, дея умид билдирди. Президент Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ҳар икки томон талабларига жавоб берадиган даражага кўтариш учун улкан имкониятлар мавжудлиги, уларни ишга солишда эса томонларнинг бир-бирини чуқур тушуниши муҳим омил эканини таъкидлади.

СУРАТДА: қабул пайти. Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Валерий Серов Россия ҳукумати Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлигини қайд этди.

Учрашув чоғида ҳар икки мамлакатнинг самолётсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, коммуникация, фан-техника ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Владимир Норов, Бош вазир ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва мудофаа вазири Рустам Аҳмедов иштирок этди.

Қабул чоғида Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Филипп Сидорский ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ҚИШЛОҚЛАР ОБОД БЎЛАДИ

САМАРҚАНД. Инсон манфаатлари йилида қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришга эътибор ортмоқда, — дейди Самарқанд туман ҳокими Раҳима Ҳакимова. — Бу йил молиявий манбалар ҳисобидан 59 минг квадрат метр уй-жой, 844 ўқувчига мўлжалланган иккита мактаб, 550 ўринли иккита шифохона, 9 та маиший хизмат кўрсатиш уйи, болалар боғчаси ва бошқа масканларни қуриб битказиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, Фотима Қосимова номли ва «Гулобод» жамоа хўжаликларида қишлоқ врачлик пунктлари, Каптархона, Таллиборзу, Пулимуғоб, Даштисўхта маҳаллалари ва паррандачилик қўрғонида врачлик амбулаториялари бинолари таъмирланади. Туман бўйича 24,5 километрли газ, 90 километрли сув қувурлари ётқизилади.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ.

Партия ҳаётидан

ДЎСТОНА СУҲБАТ

11 февраль куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Польша Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Богуслав Качиньски, унинг илтимосига кўра, қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби А. Жалолов меҳмонга юртимизда Президент И. А. Каримов бошчилигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократиялаштириш жараёнлари ҳақида, Халқ демократик партияси ташкилотларининг улардаги иштироки тўғрисида сўзлаб берди. У, шунингдек, меҳмоннинг ЎзХДПнинг ташкилий қурилиши, серқирра фаолияти, жумладан, ҳокимият идоралари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги, халқаро алоқаларига доир саволларига батафсил жавоб берди.

Б. Качиньски Польшада Ўзбекистондаги туб ўзгаришларга қизиқиш катталиги ҳақида гапириб, давлатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади.

Дўстона вазиятда ўтган учрашувда Ўзбекистон ХДП МК котиби И. Кочмарик ҳозир бўлди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

РИМДА АБУ АЛИ ИБН СИНО КЎЧАСИ БОР

Бир хабар кўп йиллардан буён мени қизиқтириб келади. Ҳурматли олимимиз Азиз Қаюмов Италия мамлакати бўйлаб сафар таассуротини ёзиб, унда пойтахт Римда Абу Али ибн Сино номли кўча борлиги ҳақида маълумот берган эдилар. Мақола матбуотда чоп этилган эди. Замонлар ўзгариб, Тошкентда Италия элчихонаси иш бошлади. Ибн Сино кўчаси ҳозирда ҳам Римда мавжудлигини билиш ниятида элчихонага мурожаат этдим. У ердан бу ҳақда мамнун этарли маълумот олдим. Ибн Сино шарафига қўйилган кўча Риммнинг қоқ марказига туташган янги даҳаларда жойлашган бўлиб, итальянчада «Авиченна» деб аталар, шаҳарнинг Остиенсе туманида жойлашган ва кўча шаҳар ўртасидан оқиб ўтадиган Тибр дарёси қирғоғига уланиб кетаркан. Бу кўчада идоралар, уй-жой бинолари жойлашган.

Ўтмишда улуғ бобомиз Амир Темур янги-янги қишлоқлар бунёд эттириб, уларга Боғдод, Фориш каби ўнлаб шаҳарлар номларини қўйдиргани тўғрисида тарихий манбаларда мисоллар айтилади. Шу фикрлардан келиб чиқиб Тошкентимиз кўчалари ҳақидаги маълумотларни кўздан кечирдим. Кўҳна тарихимизни жаҳон билан боғлайдиган номлар жуда кам учрайди. Масалан, Қоҳира, Пекин кўчалари номлари бор, холос.

Ҳозирда Тошкентда жаҳоннинг кўплаб элчихоналари, ўнлаб халқаро ташкилотлар бўлимлари ва машҳур фирмалар ишлаб турган бир пайтда кўчаларимиз номлари орасида жаҳоннинг йирик мамлакатлари пойтахтлари номлари ҳам муносиб ўрин олса ибратли иш бўлур эди. Бу фикрлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги топонимик комиссияси аъзолари диққатига ҳавола.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мактаб — маънавият бешиги

ДЕВОР ОҚЛАШ БОШҚА-Ю, ЎҚИТИШ БОШҚА...

Қизириқ тумани халқ таълими бўлими мактабларига яқинда Термиз шаҳридан 150 дона копток (футбол, волейбол, баскетбол тўплари) келтириб берилди.

Бу уч-тўрт жойда эътиборли воқеа сифатида тилга олинди.

Чиндан ҳам, мактабни, ҳатто тўп билан таъминлаш айримларнинг эсидан чиқиб қолаёзган эди-да. Аллақандай бир бегона ўтларнинг таркибидаги озуқа бирлигини ёддан айтиб берадиган, калишнинг нархи баҳоят қимматлашиб кетишини бундан ўн йил аввал башорат қилган одамлар, тўғриси, бир ўқувчини ўқитишга бюджет бир йилда қанча пул харжлаётганини у ёқда турсин, боласининг қайси мактабгаю, қайси синфга қатнаётганини ҳам унутиб қўяёзганди.

Хайриятки, пахта терими сабаб бўлиб, ҳар йили кузда мактабларнинг ва мактаб ўқувчиларининг руйхати йўқловдан ўтказиларди.

Ўтган йили қизиқ бўлди. Айни пахта терими пайти ҳокимлик мактабларнинг таълим-тарбия ишларини, бошқа муаммоларини ўрганишга жазм қилди. Кейинчалик Халқ демократик партияси туман кенгаши бу масала муҳокамасини ўзининг пленумига киритди.

Ҳаммасидан ҳам кўра кўзга ташланиб турган камчилик — мактабларнинг таъмирлови бўлиб чиқди. Девори ҳатто йиллаб оқланмаган, партаси бўялмаган мактаблар кўп экан. Қолоқликни бўйнига қўнғироқ қилиб осиб олган пахта, ғалла етиштириш режаларини сурункасига бажармай келаётган жамоа хўжаликларининг мактабга деб берадиган бир мириси ҳам йўқ.

Бармоқ тишлаб турган билан иш битмайди. Таъмирлов, бошқа харажатларга маблағни мактабларнинг ўзлари топадиган бўлди. Қандай қилиб дейсизми?

Халқ таълими бўлимига бу йил пахта экиш учун 242 гектар (ҳар бир мактабга бу 5,5 гектардан тўғри келади) ер ажратилди. Бўлим ихтиёрида 400 нафар техник ходим бор. Лозим топилганда ўқитувчилар дала ишига жалб қилинади (ишқилиб куннинг иссиғида ўқувчига жабр тушмасин). Хуллас, Қарши Чориев (бўлим мудири)нинг айтишича, халқ таълими соҳаси ходимлари пахтадан мул ҳосил олишни бу йил бир намойиш этишмоқчи.

Ҳозир бўлса таълимчилар тасарруфидаги 44 гектар ғалла авжи ривожда. Ғалланинг жойига дон учун маккажўхори эксаларми, ками билан 160 тонна дон ҳосили кўтарар эканлар.

Очиғи, таълим бўлими ўчоғига ҳокимлик томонидан ташланган бир чимдим «чўғ» яхшигина режаларни жунбушга келтирмоқда. 17 та мактабда сартарошхона, 4 мактабда этикдўзлик устахонаси очилди. 2 мактабда теннис корти қуриляпти. Фалон тўгаракнинг раҳбари ким, деган хитоблар янграй бошлади.

Мактабларни тўп билан таъминладик, деб мақтаниб тургани билан Қарши Чориевнинг фикри-зикри таълим ишларини яхшилашда. Унинг айтишича, мактаб-маънавият бешиги. Адолатнинг, демократиянинг бешиги. Ўқувчига ҳатто қовоқ солиб қарамаслик керак. Математикадан, масалан, аълога ўқийдиган ўқувчи Индонезиянинг пойтахти қайси шаҳар деган саволга жавоб беролмай қолса, унинг пешонасига чертмаслик керак. Таълим, сабоқ, маърифат, режа, буйруқ, маъмурчилик деган гаплардан етти қават осмон қадар устун туради.

Дарвоқе, мавридини топиб ҳокимлик мактаблардаги таълим сифатини ўрганиши мумкин экан. Чориев бўлса бу синовга айрим ўқитувчиларнинг дош беришига ҳадиги борлигини билдирди. «Қаттиқ ишлашимиз керак», деди. У биладики, таълим беришни яхшилаш — деворни оқлашу сартарошхона очишдан қийинроқ ва жиддийроқ масала...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАЛАНДЧАҚИРДА ҲАМ ШИФОХОНА

СИРДАРЁ. Мирзаобод туманидаги Улуғбек номли ширкатлар уюшмасида шифо маскани фойдаланишга топширилди.

Бино саккизта муолажа хонасига эга. Шифохонанинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Ў. Исмоилов, республика соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов иштирок этдилар. Шифохона жамоасига «Дамас» микроавтобуси ҳадя этилди. Шунингдек, Ховос туманидаги олис Баландчақир қишлоғида ҳам шифохона қуриб битказилди. Ҳамқишлоқларга тиббий хизмат кўрсатишга шайланган шифокорларга ҳам «Дамас» машинаси инъом этилди.

Абдужалил УМАРОВ.

МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТИБ

БУХОРО. Ғиждувондаги Ғовшун қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этилган хайрия жамғармаси кўпчилик эътиборини тортмоқда. Боиси, кичик корхона, фирма, тижорат ташкилотлари, тадбиркорлар бу жамғармага ҳомийлик қилишмоқда. Кўпинча Наврўз байрами арафасида пул ўтказиш амалга оширилади. Тўпланган маблағдан эса ногирон, қаровчисиз қолганлар, боқувчисини йўқотганлар ва ёлғиз оилалар ижтимоий ҳимоя қилинади.

Эгам БАҲОДИРОВ.

«ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАН?..»

Яқинда таҳририятга Бўстонлиқ туманидаги олис тоғ қишлоқларининг биридан мактуб келди. Қишлоқ аҳли ўша ердаги ретрансляция станцияси ишламаётгани сабабли телевизор кўришолмаётганлигидан арз қилишибди. Мактуб эса шундай бошланганди: «Ҳурматли редакция! Биз ушбу аризамизни Вазирлар Маҳкамасига юбормоқчи эдик, бироқ адресини билмадик...»

Сатрларни ўқидиму ҳайрон қолдим: наҳотки бутун бошли бир қишлоқда мамлакатимиз ҳукумати қаерда жойлашгани, яъни унинг манзилгоҳини биладиган одам топилмаса-я?

Бу таъна ўринсиз эканини шу заҳотиёқ пайқадим. Чунки ҳукумат уйининг рақамини... ўзим ҳам билмас эканман. Тўғри, уни топиб бора оламан. Зеро, Мустақиллик майдонига бориб, кимдан сўраманг «ана у» деб кўрсатиб ҳам қўяди. Бироқ бунинг учун аввало Мустақиллик майдонига бориш керак-да! Чехов ҳикоясининг қаҳрамонига ўхшаб «Ваня тоғага» дея хат йўллаш билан иш битмайди. Бунақада хатингизнинг манзилга етиб боришига ким кафолат беради? Алоқачиларми? Ҳай-ҳай, уларга ишониб, доғда юрганларнинг саноғи йўқ. Хатингизни почта қутисига ташлаш дарёга ташлаш билан тенг. Оқим қаёққа олиб боради, ёлғиз Яратганнинг ўзига маълум...

Мен билмаган нарсани бошқалар билар деган мақсадда ҳамкасбимга юзландим.

— Ие, омон бўлинг, ҳали шундай катта идоранинг қаердалигини билмайман денг-а? — таъна қилди у.

— Биламан, Мустақиллик майдонида, лекин айтинг-чи, нечанчи рақамли бинода?

Шу ўринда ҳамкасбим ҳам чайналиб қолди:

— Ҳалиги... узун, етти қаватли бино-да...

Ҳамкасбимнинг жавоби қишлоқда эшитган бир латифанамо ҳангомани эсга туширди. Қишлоқдошлардан бири шаҳарга келиб институтда ўқиётган ўғлини кўриб кетибди. Қишлоққа қайтгач, ўғли унинг ўғли билан бир ётоқда яшайдиган қўшниси талабаларнинг адресини сўрабди. Жавоб шундай бўлган экан: ғадир-будир тош кўча, кўк дарвозали уй. Бояқиш шаҳарга келиб тош кўчалар ва кўк дарвозали уйлар кўплигидан боши айланган экан.

Иккимиз ҳам кулдик. Маълум бўлишича, Ҳукумат уйининг рақамини у ҳам билмас экан...

Бошқалардан ҳам аниқ бир жавоб ололмадик. Хуллас, мустақил мамлакатимиз ҳукуматининг ҳуқуқий манзилгоҳини қишлоқни-ку қўяверинг, пойтахтда яшовчиларнинг ҳам баъзилари билмас экан.

Бунга сабаб нима? Одамларнинг фаромушхотирлигими? Йўқ. Улар орасида шундай зеҳнли, хотираси ўткирлар борки, бир қарашда ўн катакли рақамни эслаб қола олади. Айбдорлар бошқа жойда — Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасида ўтиришибди. Улар Мустақиллик майдони теварагида жойлашган бинолардан, жумладан Ҳукумат уйидан ҳам эски ёзув ва рақамни олиб ташлашди-ю янгисини қўйишга келганда унутишди. Ҳукумат уйини «йўқотиб» қўйганимиз мана шунинг оқибати.

Умуман, Ҳукумат уйининг рақами борми? Шуни билиш мақсадида Ҳукумат уйидан фойдаланиш бошқармасига қўнғироқ қилдим.

— Ҳа, бор, — деди бошқарма бошлиғи Абдусамат Тошмуҳамедов. — Мустақиллик майдони, 5-уй...

Булар мамлакатимиз бош майдонидаги гаплар. Энди пойтахтимизнинг бошқа жойларига бир назар ташланг. Юнусобод ёки Чилонзор мавзеларига бориб бирор уйни қидириб кўринг. Ишончимиз комилки, нақ «жунгли» чангалзорларига тушиб қолгандай гангийсиз. Кўп уйларда, на кўрсаткич, на рақам бор. Борлари ҳам бинонинг бирор пана жойига наридан-бери илиб қўйилган. Кундуз куни чироқ ёқиб аранг топасиз. Худо кўрсатмасин, кечқурун ёки тунда ишингиз тушса, бекор овора бўласиз. Бунақада ўт ўчириш машинаси мўлжални тутуб чиқаётган жойга қараб олади, «тез ёрдам» машинаси эса...

Даҳа ва мавзеларнинг номи, уй ва биноларнинг тартиб рақамларини ёзиб қўйиш бир қарашда майда-чуйда бўлиб кўринар. Бироқ одамларга бир қанча ноқулайлик, оворагарчилик туғдираётганлиги шубҳасиздир.

Муносабат

Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

Ўзбекистон

ОЗ БЎЛСИНУ СОЗ БЎЛСИН

Ҳозир ер шари аҳолиси кунига қарийб 250 минг кишига кўпаймоқда. Асосий ўсиш Осиё ва «учинчи дунё» деб аталган мамлакатларга тўғри келади. Озиқ-овқат ва бошқа нарсалар бўйича жиддий муаммоларга дуч келаётган худди шу ҳудудларда аҳоли сони ўсиб бормоқда.

АҚШ Президенти Билл Клинтон БМТдаги сўнгги маърузаларидан бирини айнан демография муаммоларига бағишлагани бежиз эмас. Унинг фикрича, ҳозир дунёга ядро уруши эмас, балки болалар туғилишининг кескин камайиши жиддий хавф солмоқда.

Шу муносабат билан Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа бюроси, ЮНИСЕФ, Аҳоли фонди Ўзбекистонда тўпланган ажойиб тажрибага катта қизиқиш билан қарамоқда ва бу тажриба жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида фаол тарғиб қилинмоқда.

Шуни дарров айтиб қўймоқчиманки, республикада анъанавий бўлиб қолган юқори даражали туғилиш чегараланмаган ва чегараланмаяпти ҳам. Худога шукрки, ер ва сув ҳозирча етарли, бунинг устига ер ости бойликларидан ҳам камчилик йўқ. Бевосита демография муаммолари билан шуғулланишга эса бошқа сабаблар туртки берди. 80-йилларнинг охирларида чақалоқлар жисмоний ва бошқа жиҳатлардан айрим нуқсонлар билан туғиларди. Бу жиддий ташвиш туғдирадиган ҳолат Соғлиқни сақлаш вазирлигини ҳукумат ёрдамида махсус дастур ишлаб чиқишига ундади. Мустақил Ўзбекистоннинг дастлабки давлат мукофоти «Соғлом авлод учун» ордени эканлиги ҳам аҳволнинг жиддийлигидан далолат берарди. Дастурни амалга ошириш эса ҳомиладорликни ваҳшийларча тўхтатиб қўйишга қарши курашдан бошланди.

... Отни пойга пайтида тўхтатманг. Некрасовнинг рус аёли ҳақидаги ушбу машҳур иборасини ким ҳам билмайди дейсиз? Бизнинг мулоҳазамизга унинг нима аҳамияти бор? Гап шундаки, бола олдириш (аборт) тиббиётчиларнинг гувоҳлик беришларича, бу тахминан отни югуриб кетаётган пайтида тўхтатиш билан баравар. 1990 йили бундай «тўхтатиш»лар республикада 250 минг бор учради. Янги туғилган чақалоқлар эса 700 мингдан зиёд эди. Эндиликда эса борйўғи 85 мингта «тўхташ» ҳоллари юз берди. Улар ҳам фақат тиббий кўрсатмалар асосида амалга оширилди. Ўшанда — тўқсонинчи йилларда битта туғуруққа 7 та аборт тўғри келарди. Ҳозир эса 7 та туғилишга битта аборт тўғри келади. Хўш, бу қандай рақамлар?

Бундай ўзгаришлар қандай юз берди?

Авваламбор, бола туғиши мумкин бўлган ёшдаги барча аёллар (улар 5 миллиондан ортиқ) мажбурий диспансер кўригидан ўтказилиб, шундан сўнг улар тахминан уч гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳга қачон ва нечта бола туғишни ўзи ҳал қилиши мумкин бўлган соғлом аёллар киритилди. Кейинги гуруҳга эса илгари бирон бир касалликка йўлиқиб, ўзи учун ва бўлажак чақалоқ учун бирон бир муаммо пайдо бўлиши муносабати билан ҳомиладорликка журъат қилолмайдиган аёллар киритилди. Уларни фаол даволаб, тўла соғайгандан сўнг фарзандли бўлишлари тавсия этилди. Учинчи гуруҳга эса тез-тез қайталаниб турадиган оғир дардга чалиниб, ҳомиладорлик ўта хавф туғдириши мумкин бўлган аёллар киритилди. Бунда врачлар, одатдагидек, ҳомила бўлишига қарши турадилар, чунки бунда ўта таваккалчилик қилишга тўғри келинади.

Дарвоқе, бугун Ўзбекистонда фақат давлатнинг оила олдидаги жавобгарлиги русум бўлгани йўқ. Оиланинг давлат олдида бурчдор эканлиги ҳақидаги жамоатчилик фикри ҳам фаол шаклланмоқда. Биринчи навбатда — авлоднинг саломатлиги масаласи. Бу халқимизнинг қадимий анъаналаридандир. Илгари тўйдан олдин келин-куёвнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, агар образли қилиб айтадиган бўлсак, қуда бўлмоқчи бўлган томоннинг оиласини «разведка» қилишарди. Айниқса, бўлажак қариндошлар уруғида сил, тутқаноқ касалликлари бор-йўқлиги, ақлан заиф эмаслиги — буларнинг барчаси олдиндан ўрганиб чиқилар эди. Мана, бугунги кунда ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро фонди ушбу анъаналарни янгидан жонлантиришга ҳаракат қилмоқда. Мақсад — соғлом эр туғуруқхонага соғлом рафиқасини олиб келсин.

Дарвоқе, Ўзбекистонда бир неча йилдан буён анъанавий, афсуски кўпроқ салбий тушунчага эга бўлган туғуруқхона уйлари йўқ. Бу ерда ўзига хос тизим ташкил этилган ва муваффақият билан иш юритмоқда. Аниқроғи, туғилишга ёрдам берувчи бир қатор комплекслар мавжуд. 60 фоиз ҳомиладор аёллар даставвал туғилишгача бўлган бўлинмага келиб тушишади. Кўзи ёриши олдидан аёлларни туғуруқхона бўлинмасига ўтказишади. Бу ерда она ва бола уйга эмас, балки туққандан кейинги реабилитация бўлинмасига келиб тушади. Бола дунё юзини кўргандан сўнг чорак соат ўтар-ўтмас ўз онаси қўйнида бўлади. Тиббиёт текшируви ва болани эмизишдан ҳоли бўлган чоғларида ёш оналар фарзандлар тарбияси ҳақидаги видеоклипларни томоша қилишади. Оилани режалаштириш йўл-йўриқларидан воқиф бўлишади. Айни чоғда бу ерда бўйида бўлишнинг олдини олувчи контрацептив воситалардан муваффақиятли фойдаланиш сир-асрорлари ҳам ёш оналарга ўргатилади. Мана, бир ярим йилдирки туғилишда ёрдам берувчи бўлинмада биронта ҳам (!) юқумли касалликлар қайд этилмаган. Бу туғиш хоналарининг анча кўпайганлиги ва бунинг оқибатида бир кеча-кундузда фақат биргина (!) ҳомиладор аёл қабул қилинаётганлиги мисолида ҳам кўриниб турибди.

Албатта, туғишдан аввал ёрдам бериш тизимининг туб ислоҳ қилиниши анчагина капитал маблағларни талаб этди. Бироқ, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, мунтазам касалдан боши чиқмайдиган бир нафар болага сарфланган давлат маблағлари соғлом кичкинтойга сарфланган маблағлардан камида етти маротаба кўп экан. Қисқаси, янги тизимга пул сарфлаш фақат инсонпарварлик иши бўлибгина қолмай, балки фойдали ҳамдир.

Ушбу муаммонинг яна бир «нозик» томони эътибордан четда қолдирилгани йўқ. Маълумки, бутун дунёда никоҳни қайд этишда ёшариш тенденцияси кузатилмоқда. Бу илгариги пайтда ушбу ҳаракатнинг етакчиси бўлган Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Ҳали бунга вақти етмай айни ёшлик чоғларида айрим қизларнинг эрта кўзи ёриб қолиш ҳоллари натижасида баъзан бола айрим нуқсонлар билан дунёга келади, айни чоғда ёш онанинг ҳали мустаҳкам бўлмаган организми ҳам эрта туғишдан ҳолсизланади. Шунинг учун тиббиёт ходимлари аёлларга эҳтиросларга берилмай, ўзини эҳтиёт қилган ҳолда табиат томонидан ажратилган вақтда, оптимал ёшда туғиш ўта муҳимлигини тушунтирмоқдалар.

Беш йил кўп муддат эмас. Лекин бу биринчи маротаба сезиларли натижаларга эришишга имкон берди. Бу ерда она ва бола ўлими бирдан қисқарди. Болани олдириш (аборт) ҳоллари тўрт-беш мартага камайди, айни чоғда аёллар организмини ҳимоя қилувчи замонавий контрацептив воситаларидан фойдаланиш ортди. Шуниси қувончлики, янги туғилган болалар соғлиги анчайин яхшиланди. Энг муҳими эса, аҳоли табиий ўсишининг мўътадил тарзда камайиши бошланди. Бу эса бутун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа бюроси, ЮНИСЕФ, Аҳоли фонди каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистонга нисбатан қизиқишини кучайтирди.

Ким билади дейсиз, балки айнан Ўзбекистон тажрибаси миллий, диний ҳис-туйғулар, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни камситмаган ҳолда ўз мамлакати аҳолиси сонини режалаштиришни кўрсатаётгандир.

Валерий БИРЮКОВ,
«Труд»нинг Ўзбекистон Республикаси бўйича ўз мухбири.

ТОШКЕНТ.

(«Труд» газетасининг 1997 йил 11 февраль сонидан).

• *Хатлар*
• *Хатлар*
• *Хатлар*

АРОСАТДА ҚОЛГАНМИЗ

Аслида Миробод туманига қарашли чўчқахонанинг филиалида 5 та кўп қаватли уйлар, мактаб, болалар боғчаси, магазин бор эди. Ҳа, бор эди, энди йўқ! Биз шикоят ёки таклиф билан Миробод туманига борсак, Зангиота туманига жўнатади. У ердан яна «қувғин»га тушамиз.

Энди буёғини эшитинг. Кўп қаватли уйлар 4 йилдан бери иситилмайди, қувурлар кесиб ташланган, мактаб ҳам, боғча ҳам совуқ. Болаларимиз бир соат ўқийдими-йўқми, пальтолардаям қалтираб келишади. Боғча эса ишламайди. Ҳамма нарсасини ташиб кетишган. Поликлиника ёки амбулатория умуман йўқ.

«Промкомплекс» раҳбарига квартира ҳақигача йиғиб берамиз. Аммо бизга ҳеч қандай ёрдам бермайди. Ҳеч ким бизгача етиб келолмайди. Атрофдаги ахлатлар эса тоғ-тоғ. Ертўлалар сув... Совуқ сув эса жуда кам келади. Озиқ-овқат дўкони ишламайди. Ипподромдан олиб келиб сотишади. Телефон тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади... Нима қилишни билмай аросатда қолдик.

Ғ. ИСМОИЛОВ.
Тошкент шаҳри.

ЭҲСОН НИМАДИР?

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 14 январь сонида босилиб чиққан «Садақани кимга, нимага?» сарлавҳали мақолани ўқиб чиққанимдан кейин улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» китобидаги хайр-эҳсон ҳақида битилган ушбу сатрлар эсимга тушди:

«Ҳар бир давлатманд тириклигида хайр-эҳсон қилиб, одамларни хурсанд қилмаган экан, ўлганидан кейин уни ҳеч ким дуо билан ёд этмайди. Эҳсон тирикликда яхши ном қолдирмоқдир...

Қитъа: Агар инсонда барча гўзал фазилатлар жам бўлса, уларнинг отини эҳсон деб атайдилар. Шулардан бири сахийлик, бири эса мурувватдир.

Қариялар муҳтожликка тушиб қолса, касб-ҳунар қила олмаса ва тилашга тили бормаса уларга раҳм-шафқат қилишга шошил ва қўлингдан келганча эҳсон қил, лекин камбағал йигит кетмон чопа олса, ўтин ташимоқни уддаласа, унга эҳсон қилмоқ — исроф қилмоқдир».

Муаллифнинг фикрлари жуда тўғри. Чунки ёш, қўлидан иш келадиган инсонлар кўча-кўйда ўтириб тиланчилик қилиб садақа сўрашса, албатта, бу хунук манзара. Замонамизга мутлақо ярашмайди. Бинобарин, хайр-эҳсонни кимга ва нимага бериш лозимлигини билиш жуда муҳим экан!

Яқинда шаҳримизнинг Комилжон Отаниёзов номидаги 15-маҳалланинг Эгам Раҳим кўчасида истиқомат қилувчи марҳум Сафо ака Вафоевнинг уйи газдан аланга чиқиб ёниб кетди. Бу бахтсиз ҳодисани кўрган маҳалла аҳли албатта қўл қовуштириб ўтирмади. Уларга ҳамдард бўлди ва Сафо ака оиласига салкам етти минг сўм пул йиғиб хайр-эҳсон қилишди! Шунингдек, ҳар ким қўлидан келганча қурилиш материалларидан ёрдам берди. Мана, буни хайр-эҳсон деса бўлади.

Амин ЭШМАТОВ,
меҳнат фахрийси, Урганч шаҳри.

ГАЗЕТА ЁРДАМ БЕРДИ

Газетанинг шу йил 4 январь сонида «Қурилиш ўрнида чиқит уюми?» сарлавҳали танқидий мақолам босилиб чиққан эди.

Орадан кўп вақт ўтмасдан, ҳозир Халқлар дўстлиги шоҳкўчасининг бошланишида — 45-АТС билан «Чақар» маҳалласи оралиғида, биз мақолада тилга олган ташландиқ жой текисланди. Бу ер ҳар ёққа сочилиб ётган ахлат уюмлари, қурилиш чиқиндиларидан тўла тозаланди.

Айниқса, ширин-шакар фарзандларимиз учун хавфли бўлган икки туя бўйи келадиган чуқурликдаги ҳандақнинг атрофи чиройли темир-бетон плиталар билан мустаҳкам ўралганини айтмайсизми!

Биз Тошкент шаҳар ҳокимлигига қарашли дахлдор ташкилотларнинг газета қўнғироғига ҳозиржавоблик билан амалий акс-садо берганлигидан мамнунлигимизни изҳор қилмоқчимиз. Газета чиқишларига бундай ибратли муносабатдан шу атрофда яшовчи аҳоли беҳад хурсанд бўлди.

Шарофат ТОШХЎЖАЕВА,
нафақадор.

НИҲОЛ ЭККАН ЭЛДА АЗИЗ

Субҳиддин ака Қутлиев хонадонида бўлган кишининг баҳри-дили очилади. Ҳовлида саранжом-саришталик, мевали дарахтлардан ташқари, турфа гулларнинг муаттар бўйлари дилингизни яйратиб юборади.

Айниқса, Наврўзи олам арафасида ҳовлисида барпо этган ниҳолзорга ишлов беришни янада кучайтиряпти. Ниҳолзорда ҳар йили 20 турдаги мевали кўчатларни етиштиради. Эрта баҳорда 100-150 туп ниҳолни дўсту бирodарларига тарқатади. Кимнингдир уйига меҳмон бўлиб борса ҳам албатта 2-3 туп кўчат ўтказади. Яшариш, яшиллик шайдоси, қайсидир хонадонда ўзи эккан олма, нок, ўрик, гилос, олча, шафтоли, бодом, анжир ёки бошқа мевали дарахтларни кўрганда завқланади, кўнглига севинч ифорлари югуради.

Шунинг учунми уни маҳалла-кўйда ҳурмат қилишади. Шуни айтса керак-да кўчат эккан элда азиз, деб!

Баҳодир ЭГАМОВ.
Навоий вилояти.

Партия ҳаётидан

ОБУНА ЯКУНЛАНДИ, ОБУНА ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмида «Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг «Ўзбекистон ХДП матбуот нашрларига 1997 йил учун обунани уюшқоқлик билан ўтказиш ҳақида»ги (1996 йил 26 сентябрь) қарори бажарилишининг якунлари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилганлиги ҳақида хабар берилган эди.

Сиёсий ижроқўм Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари ХДП марказий матбуот нашрларига обунани уюштириш шартларини бажармаганликлари сабабли, белгиланган биринчи ва учинчи ўринларни уларнинг ҳеч бирларига бермасликка қарор қилди. Обуна топшириқларини бажаришни бошқаларга нисбатан яхши ташкил этиб, юқори кўрсаткичларга («Мулоқот» журналига — 111,1 фоиз; «Голос Узбекистана» газетасига 102,6; «Ўзбекистон овози» газетасига — 92,7 фоиз;) эришганлиги учун **Хоразм вилоят партия кенгашига**, истисно тариқасида, **иккинчи ўрин** берилди.

Шаҳар ва туманлар кенгашлари орасида барча шартларни ортиғи билан бажарган Бухоро, Хонобод шаҳарлари ва Шаҳрисабз туман партия кенгашлари **биринчи ўринларни** эгалладилар.

Иккинчи ўринлар Гурлан, Хонқа, Усмон Юсупов, Узун туманлар ва Зарафшон шаҳар партия кенгашларига берилди.

Учинчи ўринларга Қўқон шаҳар, Боғот, Нишон, Қўшкўпир, Элликқалъа ва Янгибозор туман партия кенгашлари лойиқ, деб топилди.

Илгорларга Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Фахрий Ёрлиқлари ҳамда пул мукофотлари топширилади.

Марказий Кенгаш партия фаолларидан бир гуруҳи: Хонқа туманидаги ал-Хоразмий номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти (БПТ) котиби **Бозорбой Муродов**, Янгибозор туманидаги «Ширин — Қўнғирот» жамоа хўжалиги БПТ котиби **Эгамберган Раҳимбоев**, Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши партия ташкилотчиси **Музаффар Туропов**, Қарши шаҳар почта алоқаси боғланмаси йўриқчиси **Ҳабиба Воҳидова**, Хўжайли туманидаги «Қорақалпоғистон» жамоа хўжалиги ҳудудий партия ташкилоти котиби **Сапарбой Давлетов**, Нукус туманидаги «Умид» хусусий корхонаси бошлиғи **Ҳожибой Рейимбоев,** Тўрақўрғон туман партия кенгаши иккинчи котиби **Орифжон Охунов**, Янгиқўрғон туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги раиси муовини, БПТ котиби **Илҳомжон Бўрибоев**, Қумқўрғон туманидаги С. Бойматов номли жамоа хўжалиги раиси **Эргаш Жумаев,** Шеробод туман партия кенгаши биринчи котиби **Алишер Шайманов,** Андижон вилоятидаги «Электроаппарат» акционерлик жамияти БПТ котиби **Хосиятхон Аҳмедова,** Андижон шаҳридаги «Наврўз» хусусий универсал дўкони директори **Ойбек Шамсутдинов**, Қўқон шаҳар партия кенгаши котиби **Валихон Мирзаев,** Бағдод тумани пахта тозалаш корхонаси директори **Содиқжон Самадов**, Бекобод туманидаги Улуғбек номли жамоа хўжалиги раиси муовини, БПТ котиби **Собитхон Низомиддинов,** Янгибозор (Тошкент вилояти) почта алоқаси боғланмаси бошлиғи **Назира Раҳматова,** Жиззах саноат техникуми директори **Рустам Неъматов,** Дустлик тумани дон маҳсулотлари корхонаси БПТ котиби **Ирисбек Турдалиев**, «Тошкентчинни» акционерлик жамияти БПТ котибаси **Равшана Мавлонова,** «Чилонзор» марказий универсам дўкони БПТ котиби **Тожихон Ғаниева,** Янгиер шаҳар партия кенгаши биринчи коитби **Саид Каримов**, Гулистон тиббиёт билим юрти директори **Тўлқин Назаров,** Навоий вилояти дон маҳсулотлари акционерлик жамияти раиси **Асад Адизов,** шу вилоят нефть маҳсулотлари таъминоти корхонаси бош директори **Ўктам Рўзиқулов**, «Бухоротекс» акционерлик жамияти бош директори ёрдамчиси, БПТ котиби **Муҳиддин Бозоров** ва Шофиркон тумани марказий касалхонаси шифокори, БПТ котиби **Абдували Абдуллаев**ларга, обунани ташкил этишга самарали ҳисса қўшганликлари учун, ташаккур эълон қилди. Шунингдек, улар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

1997 йил учун ХДП нашрларига 1 январгача ўтказилган обуна натижалари якунланди. Бироқ, у давом этади. Чунки, обуна бўйича топшириқларини турли баҳонаю сабаблар билан бажармаган партия маҳаллий кенгашлари билан бир қаторда нашрларга қисқа муддат (6 ёхуд 3 ой)га ёзилган фуқаро ва ташкилотлар ҳам бор. Уларнинг газеталар ва «Мулоқот» журналини олишларида узилиш бўлмаслиги учун обуна муддатларини олдиндан узайтириш чораларини кўриш зарур.

Шуларни инобатга олиб Сиёсий ижроқўм жорий йилнинг қолган ойлари учун партия нашрларига обунани давом эттиришни лозим, деб топди ва Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар партия кенгашларига унинг бўйича берилган топшириқларни ўз кучида қолдирди.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот маркази.

ШАҲАР ТЎЙИГА ТУҲФА

БУХОРО. *«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти маҳсулотларига Швейцария, Австралия, Германия, Словакия ва Россия каби мамлакатларда талаб катта. Зеро, жамият ишчи-хизматчилари сифатли маҳсулот тайёрлаш билан бирга жонажон шаҳарларининг 2500 йиллик тўйига ҳам муносиб туҳфа ҳозирламоқдалар. Жумладан, ана шу санага бағишланган газлама ва сочиқларнинг янги хилларини тайёрлашга киришилди.*

Даврон БАҲРОНОВ.

«Доктор Марям Алхаби» хизматга тайёр! Ў. ШАРИПОВ олган сурат.

Маданият хабарлари

ЭНГ ЯХШИ ҲУНАРМАНД

БУХОРО. *Вилоят «Бизнес фонди»да «Энг яхши ҳунарманд», «Энг яхши фермер» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди. Бухоро тумани ҳунармандлари ўзаро баҳслашдилар. Улар яратган буюмлардан иборат кўргазма ташкил қилинди. Ўзига хос байрамда «Лола» ашула ва рақс гуруҳи маданий хизмат кўрсатди.*

НАВРЎЗ ЯЛЛАСИ

АНДИЖОН. *Вилоятда Наврўзи оламга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Туманлараро ўтказиладиган «Наврўз ялласи» танлови ҳам шундан нишона. Бу тадбир 27 февраль — 1 март кунлари ўтказилади. Қатнашчилар Наврўз тариҳи ва таърифига оид саҳналаштирилган томошалар кўрсатадилар. Якка, оммавий рақслар, тақлидчилик, қизиқчилик, лапар ва айтишувларда иштирок этадилар.*

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

СУРХОНДАРЁ. *Наврўз байрами муносабати билан бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг ҳудудий кўриги ўтказилди. Дастлабки танловда Узун, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Сариосиё туманлари ҳамда деновлик ҳаваскорлар қатнашди. Шўрчиликлар ғалаба қозонишди. Иккинчи босқич танловида Бойсун туманининг ҳаваскорлари ўзларининг «Ассалом, Наврўзи олам» деб номланган чиқишлари билан муваффақиятга эришдилар.*

Фотима ЖУМАЕВА.

ЖОНЛАРГА ЖОН БЎЛАЁТГАНЛАР

Дардни берган Оллоҳ шифосини ҳам беради, дейди халқимиз. Фақат ўша шифони беришда Яратгувчи қайсидир бир инсонни сабабчи қилиб қўяди.

Шу йилнинг 9 январь куни дадамиз Раҳимов Қўзибой ота кучли қон босими таъсирида тўсатдан ўзини билмай йиқилиб қолдилар. Бу касалга ўз вақтида тез ёрдам кўрсатилмаса қандай оқибатларга олиб келиши барчага маълум. Биз дарҳол туман марказий шифохонаси тез ёрдам бўлимига мурожаат қилдик. Қаранг, ўша куни бахтимизга ўз касбига меҳр қўйган, ёш бўлсада тажрибали шифокор Алишер Ҳусанов навбатчиликда экан. Зудлик билан етиб келган тез ёрдам ва дадамизга кўрсатилган беминнат муолажа биз учун энг азиз бўлган инсон умрини катта хавфдан сақлаб қолди. Яратганга шукроналар айтамизки, ҳозирги кунда дадамизнинг аҳволи анча дуруст.

Мана шундай оғир дамларда инсон умрини ўлимдан сақлаб қолаётган, ўз касбига доғ туширмай хизмат вазифасини ҳалол бажараётган тиббиёт ходимларига тасаннолар айтгинг келади. Биз ҳам Иккинчи жаҳон уруши 2-гуруҳ ногирони Қўзибой отамиз, қолаверса, фарзандлари Ҳабибахон, Турсунойхон ва Исмоилжонлар номидан Балиқчи туман марказий касалхонаси тез ёрдам бўлими шифокорларига ва шахсан Алишер Ҳусановга ўзимизнинг чуқур миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Уларга оқ либосингизга сира ҳам доғ тушмасин, азиз шифокорлар, деймиз.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Балиқчи тумани.

«КУЁВ БОЛА ДЎХТИРДАН ЎТГАНМИЛАР?»

Мулоҳаза

Ҳозир ҳар қадамда истиқлол нафасини ҳис этиш мумкин. Кўпгина соҳаларда бўлгани каби тиббий хизматда ҳам ана шундай эзгуликлар куртаги мавж урмоқда. Хусусий табобат масканлари ташкил қилинмоқда. Албатта буюк ислоҳотлар даврида ҳозирча қўйилган нархларни «ҳазм» қилиш осонмасдек туюлади. Лекин хусусийлаштирилган табобат марказларида беморларни қабул қилиш, уларга хушмуомала бўлиш, хизмат кўрсатиш тобора жаҳон андозаларига мос бўлиши йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Зеро, ҳамма жойда ҳам табобатчилар одамларга бир хил муносабатда бўлишяпти, дейиш қийин. Кираверишда ўқлокдек ҳарфлар билан «Бизда бепул хизмат кўрсатилади», деб ёзилгани билан кўнгил сув ичмайди-да. Аввало сизни тушунадиган, муолажа қилиб, ташҳисни аниқ белгилайдиган шифокорни тополмай азият чекасиз. Дардингиз ортаверади. Ўзингизни нажотсиз сезиб, бир калима ширин сўзга муштоқ бўласиз. Ҳа энди бу гаплар ҳозирча поликлиника, касалхоналарда учраб турадиган воқеалардан бири дейсизми? Биз ҳам бундай нохушликни ўткинчи бир ҳолга йўйсак бўларди. Аммо, Сурхондарё томонларда оралаб қолган бир гапдан ўйланиб қолдик. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тадбир. Нима эмиш, бир умрга бахтли турмуш қуришга аҳду паймон қилган икки ёшни ЗАГС рўйхатидан ўтказишдек ҳаяжонли дамлар олдидан «Куёв бола дўхтирдан ўтганликлари ҳақида ҳужжат борми?» дейишаркан.

Бир қарашда, албатта икки ёшнинг саломатлиги ҳақида қайгурилаётганга ўхшайди. Борингки, яхши ўйлашибди ҳам дейлик. Зотан, тегишли поликлиникада куёв болани дўхтирдан ўтиши осон бўлмаяпти-да. Бир ёқда тўй куни белгиланган бўлса, икки ёшни рўйхатдан ўтказиш муддати ўтиб кетаверса, шифокор куёвнинг «соппа-соғ» деган бир парча қоғозини бермай турса, у ёғи нима бўлади? Турган-битгани ташвишку. Ахир тўйга тайёргарлик билан боғлиқ хайрли югур-югурлар ҳам етарли эмасми? Қачонгача куёв йигит шифокорнинг «эрта келинг, индинга ўтинг»гини кутиб вақт ўтказади.

Бир балоси бўлмаса, шудгорда қўйруқ на қилур. Ҳа, бу борада ҳам «таъмагирлик касали» авж оляпти, чоғи. Воқеанинг шоҳиди бўлганлардан бирининг айтишига қараганда, «куёв соғ» деган маълумотномани олишнинг «йўли» бор экан. Бунинг учун минг сўмдан кечсангиз, ишингиз битаркан-қўяркан. Шу пайтгача кўпчилик «касал бўлишга вақтим йўқ», деб турли дардларга чап бериб юришарди. Ҳамма нарсанинг сабаби бўлади. Беморлар кутилмаган оғир дардга чалиниб, жарроҳнинг «розилигини» ололмай, икки ўтнинг ўртасида қолишмоқда. Чунки, таниш-билиш ахтариб, берадиган ё оладиган «одам»ни топгунингизча дардни ўтказиб, алам ва армонда куйиб қолишга тўғри келиб қоляпти. Врачнинг қасамёди қани? Ўз касбига-ю бурчига садоқат, қолаверса, ҳожат чиқариб, дуо олиш деган гаплар ҳам бор-ку. Инсоф, иймон, диёнатни унутмайлик-да!

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН БОБУР

Шу кунларда, Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийзодалар, қўплаб буюклар қатори, ўзимизнинг жон Андижонимизда таваллуд топган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (14.02.1483—26.12.1530) табаррук номлари тез-тез тилга олинмоқда. Тилларда достон бўлмоқда. Маълум бўлиб қолдики, биз бул мўътабар зотни анчайин билганимиз билан, Бобурни чинакамига Йўлбарс, Арслон қилган улкан тарихий ишларидан мутлақо бехабар эканмиз.

Кейинги вақтларда биз ўзбекларнинг ниҳоятда кўп маънавий бойликларимиз, тарихий обидаларимиз, фан, адабиёт ва санъат намуналари, айниқса бебаҳо қўлёзмаларимиз ўтмишда Ғарбга ташиб кетилганига матбуотимиз саҳифаларида қаттиқ норозиликлар билдирилди. Умуман олганда, бу тўғри. Умуман олганда! Лекин фараз қилайлик, ўша Париж, Лиссабон, Лондон, Оксфорд, аё...Суфия, Берлин, Деҳли шаҳарларининг китоб жамғармалари ва музейларида сақланаётган ва дунёга кўз-кўз қилинаётган бойликларимиз, бебаҳо нодир қўлёзмаларимиз у ёқларга ташиб кетилмасдан, ўз қўлимизда қолганда нима бўларди? Бойликларни яратиш бир сари, лекин уларга эгалик қилиш тамом бошқа гап. Эгалик қилиш туйғуси эса бизда тобора барҳам топа бошлаган эди. Зеро, машъум мустабид салтанат даврида фақат бизда эмас, бутун собиқ мамлакат миқёсида ялпи аҳвол шундай эди: ҳамма нарса гўё ҳамманики, ҳеч нарса ҳеч кимники эмас. Ўзингиз билган ўша машҳур Баённомадаги «йўқсулларнинг ўз кишанларидан бўлак йўқотадиган матоҳи йўқ» деган таъриф ҳеч қандай мулкка эга бўлмаган танбал ялангоёқлар учун тўғри эди. Бу жуда хатарнок даъват. Йўқотадиган нарсанг йўқми, демак ҳамма нарсага эгалик қилишга интил, дегандан кўра, йўқотадиган нарсанг йўқми — ҳамма нарсани йўқот, деган мантиқ устуворлик қилди. Бироқ, тушуниб етмадикки, биз Мовароуннаҳр фуқаросига бундай «мантиқ» асло тўғри келмасди. Халқимиз тарихан кўриб-кечириб келган, бойликларни йўқ қилишга эмас, яратишга интилган халқ.

Фараз қилайлик, ўша кўзларга тутиё бўлгуси ёзма тарихий, илмий ва адабий қўлёзмалар бутун XIX аср, Ўрта Осиёнинг истилочилар томонидан босиб олиниши, айниқса 1917 йилги давлат тўнтариши ва ундан кейинги чуқур маънавий турғунлик даврида ўз еримизда «сақлаб» қолинганида нима бўларди? Маълум нима бўлиши: ҳаммаси бир йўла йўқ қилиб юборилларди. Қабристонларга кўмиларди, сувларга чўктирилларди, ўтда ёқилларди. Вассалом. Миқёсни янада кенгайтирайлик. Сўнгги уч-тўрт аср давомида Мовароуннаҳр, жумладан Марказий Осиёда феодал тарқоқлик ҳукм сурганлиги, парокандалик, тушкунлик, жаҳолат қутурганлиги рост. Қаттол ташқи ғанимдан ҳам кўра ички бошбошдоқлик, олчоқлик, талончилик ўлканинг тинкасини қуритди. Тараққиётни бир неча аср ортга суриб юборди. Бирлашиш ғояси адоват ва парчаланиш мусибатлари билан алмашди. Агар буюк ва қудратли Амир Темур ибн Тарағай Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бирлашишга асосланган салтанатини (1336—1405) кейинчалик темурийзодаларнинг ўзаро тожу тахт талашишлари ичдан емирмаганда, дунёда бундан-да қудратлироқ давлат бўлмасди. Ҳар қандай қаттол душман ҳам бу метин қўрғонни қўлга кирита олмасди. Башарти, Соҳибқирон Амир Темур тўплаган моддий ва маънавий жавоҳирлар ўзимизда сақлаб қолинганида ва ошириб борилганида, улар фақат ўзимиз эмас, барча Мовароуннаҳр халқларининг етмиш пуштига етарди ва ортарди ҳам. «Зафарнома», «Бобурнома», «Ҳумойуннома», «Акбарнома»ларни бугун мутолаа қилар эканмиз, булар, мислсиз адабий-тарихий ёдгорлик маъносида, нафақат ўтмишимиз, балки бугунги ҳаётимиз ва келажагимиз, тақдир-қисматимизнинг ёрқин кўзгулари эканига иқрор бўламиз. Уларда инсоний ғурур билан бирга таҳқир, олижаноблик билан баробар тубанлик, садоқату сотқинлик, фидойилигу хиёнат, инсонпарварлик ила одамкушлик ва бирodaркушлик, саодатмандлигу шум ниятлар тантанасини кўриб, ўзимизнинг ўтмишда ким бўлганлигимиз ва келажакда ким бўлишлигу, ким бўлмаслигимиз лозимлигини уқамиз.

Ҳазрати одам сафиуллонинг қавмлари нафсонавор бир зайлда камол топди ва... мунофиқлашди. Амир Темур («Темур тузуклари»), Заҳириддин Муҳаммад Бобур («Бобурнома»), Гулбадан Бегим («Ҳумойуннома»), Абулфазл («Акбарнома»)лар қисмат ва тарих юзига тик қарай олдилар. Уларда зафар қувончию мағлубият алами, насл-насаб қайғусию қиргинбарот уруш ва тинчлик тадориклари... Ҳаммасидан бисёр. Лекин қандай бўлса шундайлигича! Оллоҳдан яшириб бўлмайдиган гапни бандасидан, биз авлодлардан ҳам пинҳон тутишмаган. Зеро, барибир бунинг иложи ҳам йўқ. Улар тинчлик деб урушга отланмаган, ободлик деб вайрон этишмаган, дўстлик деб ғанимлик қилмаган, тараққиёт деб жарга юztубан кетишмаган.

Бобур подшоҳнинг ўз ҳаёти, қисмати ва муҳитидан рад этиб бўлмайдиган бир тарзда келиб чиққан сабоқ шу эди: сен ўлдирмасанг, сени ўлдирадилар. Ғалат: бир инсон қиёфасида буюк фотиҳлигу, ўз қонуний она-Ватани, унинг бир сиқим тупроғини мудом қўмсаб туришлик, саркардалигу шоирлик, подшолик асъасасию дарвеш бўлишни орзу қилиш туйғуларининг қўшилиб, омухталашиб кетгани интиҳойи ҳайратангиз. Уни Юлий Цезарга менгзайдилар. Йўқ. Агар у кимгадир бировга ўхшаса, ўзига ўхшайди. Инсонлар ҳар хил бўлган. Биров давлатманд, мулкдор, биров шаҳаншоҳ, кимлардир мутафаккир олим, беназир шоир, қилни қирқ ёрадиган ҳунарманд... Аммо барча шундай сифатларнинг бир шахсда жамулжам бўлиши нечук худо ёрлақаган инсонга насиб этади. Ана ўша Оллоҳ ёрлақаган инсон Бобур-Арслон эди.

Э воҳ, бул зоти шариф билармидики, унинг тўғрисўзлиги, инсоний самимияти, дуруг сўзлай олмаслиги, Ҳақиқат ҳазратларига садоқат, таърифда нафақат ёғийга, ҳатто энг яқин дўстига, нафақат дўсти, боринги, ўз падари бузрукворига ҳам шафқатсизлиги замонлар оша аждодларга, биз авлодларнинг бошимизга ҳам, эҳтимол, таъна маломат тошларини ёғдиришлигини? Тағин келиб-келиб, қайнаса қони қўшилмайдиган етти ётлардан ҳам кўра, ўз Ватанида ўзларини салкам Анушервонни Одил деб санайдиган манқурт қизил номурод шахслар шундай қилишлигини наҳотки пайқамаган бўлса? Албатта, биларди. Яна билардики, ҳар қандай ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат афзал. Тўғри, балким ўзининг расо ишларини айтиб, баъзи «қилмишлари» ва пушаймонлари ҳақида сукут сақлаши мумкин эди. Аммо бундай тақдирда у Бобур бўлмасди. Бутун маърифатли дунёни ўз қалами билан, эҳтимолки, бунчалик забт эта олмасди. Замонлар келар, ер юзида Бобур Мирзонинг номини, «Бобурия»ни эшитмаган ва ўз тилида ҳайратланиб ўқимаган бирор маърифатли кимса қолмас.

Шундай. Охири қабоҳат билан тугаган хайр хайр эмас. Охири хайрият билан якунланган қабоҳат ҳам қабоҳат эмас. Начора. Афсус ва надоматлар бўлсинким, бошлар кесилди, қонлар тўкилди, исёнлар бостирилди... Аммо буларнинг ўрнида бирлашган, қудратли, ягона жипс Ҳинд диёри билан асрий бидъату хурофотлардан озод бўла бошлаган, аксари Бобур ҳамда унинг аждоду авлодларидан миннатдор ҳинд халқи қолди ва юксалди.

Эзгулик билан қабоҳат ҳамон курашади...

Умрининг сўнгги палласида Бобур подшоҳлик қилган Ҳиндистон унинг учун иккинчи ватан бўлиб қолди. Бу улкан мамлакат халқларининг бошини қовуштириш, уни бошқариш, бирлик, ҳамдўстлик, камолот ва тараққиётга қойим қилиш бенихоя оғир иш эди. Салтанат соҳиби Бобур ҳинд мардумининг эзгу орзу-ниятларига равнақ берди. Бу диёрнинг гуллаб-яшнашига қўшиш қилди. Бўлак ҳар қандай эл-элат ва миллат кишиларида кам учрайдиган баъзи бир жирканч ҳамда чиркин нарсаларни кўрганида ўз нафратини яшириб ҳам ўтирмади. Бироқ қанча нафратланса шунча севди. Қанча жирканса шунча ардоқлади. Чуқур нафрат остида битмас-туганмас меҳру муҳаббат, миннатдорчилик ҳиссиётлари барқ уриб туради. Акс ҳолда, Бобур ва бобурийлар муаззам Ҳинд тупроғида мана неча асрлардан буён кўкрак кериб турган улуғвор тарихий иншоотлар, обидалар, мақбаралар, ястаниб ётган майдонлару, боғ-роғларни қолдирмас эдилар. Бобур Ҳиндни олди. Бобур Ҳиндни фақат Олмади, унга жуда кўп нарсани, балким бисотидаги ҳамма нарсани берди ҳам. У мамлакат халқларининг осойишта, тинч-тотув яшашларини орзу қилди. Оҳқаратнинг бутун ҳаёти салтанат бунёд этиш йўлида жангу жадалларда кечди. Не ажабким, айнан у ўзининг бундай ишларидан истиғфор айлади. Муҳорибалардан безди. Чунонам бездики, умрининг сўнгги фаслларида ҳатто таркидунёчилик, гўшанишинлик, дарвешликни ҳавас қилди.

«Бобурнома»... Афғонистондан — Олмониягача, Туркиядан — Фарангистонгача, Ҳиндистондан — Буюк Британиягача, қадим Туркистондан — Русиягача, Покистондан — Хитойгача ўнлаб мамлакатларга ташриф буюрган ва илиқ кутиб олинган беш асрлик адабий-тарихий ёдгорлик. Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғон замини ва муаззам Ҳинд тупроғида танилган, бу мамлакатларни забт этган қудратли темурийзода подшоҳ Бобур Мирзо бутун бир бобурийлар салтанатига асос солиб эришган жаҳоншумул шоншуҳратини ўз ижоди, қалб қўри, дилбар шеърияти, илми, маърифати, алалхусус хотиротлари билан абадийлаштирди. Қилич кучи билан забт этолмаган қалбларни ўз сеҳрли каломи, инсоний самимияти билан банд эта олди. Дунёда қайси бир фотиҳу жаҳонгир бунчалик тилларда достон бўлибди? Ҳа, Бобур-подшоҳнинг қалами етмаган, етти ухлаб тушига ҳам кирмаган жойларга, иқлим ва минтақаларга шоир ва инсон, ҳазрати Бобурнинг овози, қалами зиёсидан таралган асарлари етиб борди. «Бобурия» харитасининг бағри ниҳоятда кенг. Тарихий-жўғрофий ва лисоний кенгликлари беҳудуд. Ғарбий Овруподаги асосий тиллар: инглиз, фаранг, олмон тилларига, шунингдек Осиё қитъасида япончага ҳамда Овросиё сарҳадида туркча, ўрисчага, аксар, бир неча марталаб ўгирилганини инобатга олсак, кўз ўнгимизда бағоят қамровдор бир манзара ястаниб ётади. Фақат таржимагина эмас. Мазкур асарнинг бир қанча қўлёзмалари, айниқса Ҳайдаробод ва Қозон нусхалари устида олиб борилган илмий тадқиқотлар, беш юздан зиёд мақолалар, луғатлар, рисолаларни ҳисобга олинса, дунёда аслиятнинг ўзидан бир неча юз баробар зиёд илмий-танқидий маҳсулот босилиб чиққан. Табиий, хорижий ўлкаларда яқин вақтлар — Истиқлолгача ўзбек миллати, Ўзбекистон мамлакатини танишмас ҳам эдилар. Бу ерларни Ўрусия мулки деб ҳисоблашарди. Бу не қисмат? Аммо ўша тунд даврларда ҳам халқимизнинг отаси, шавкатли Амир Темур билан унинг мард зурриёди-чевараси Бобурни, уларнинг оламшумул ишларини билмаган инсонни дунёнинг бирон маърифатли мулкидан топиш амри маҳол эди.

XVIII аср ўрталарига келиб инглиз мустамлакачилари 332 йил ҳукмронлик қилган бобурийлар салтанатига хотима берди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, бундан улар соҳибқирон Амир темур («Темур тузуклари») билан унинг зурриёди Заҳириддин Муҳаммад Бобур («Вақоеъ») нинг ҳарбий тадбирларидан кўп нарсани ўргандилар ва қабул қилиб олдилар. Орадан неча замонлар, йиллар ўтди. Тан бермай иложимиз йўқ: Бобур Мирзонинг номини дунё афкор оммасига танитган, ишларини жаҳон миқёсида шоён этган ҳам бошқа бировлар эмас, дафъатан худди шу овруполиклар, инглизларнинг ўзи бўлди. Мабодо уларнинг фидойи ва ҳалол, донишманд, ва танти шарқшунос олиму умаролари, матншунослари, мунаққидлари, ҳаммадан аввал Вилйам Эрскин, Жон Лейден, Аннета Сусанна Бевериж сингари валломат таржимонлари бўлмагандами, ватандошимиз Бобур Мирзонинг табаррук номини бугун мустақил Ўзбекистонимизда ҳам ким биларди, балким ким билмасди ҳам. Нари борганда, эҳтимол, унинг шаън-шавкати жумҳурият ёҳуд Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон ва Эрон ҳудудларидагина маълум бўларди, холос.

Инглизий, фарангий ва олмоний таржималар, жаҳоншумул маърифат элчилари янглиғ, шавкатли фотиҳ ва шоирнинг номини дунёнинг етти иқлимига ёйдилар.

Ғайбуллоҳ АС-САЛОМ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.
Неъматуллоҳ ОТАЖОН
профессор.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

НАТОНИНГ КЕНГАЙИШИ РОССИЯГА ХАВФ СОЛАДИМИ?

☑ Маълумки, кейинги пайтда НАТО ҳарбий блокининг янги аъзолар билан кенгайиши ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Яқинда АҚШ давлат котиби М. Олбрайт хоним Райс университетида «Партияларарo ҳамкорлик асосида ташқи сиёсатнинг шаклланиши» мавзуида маруза қилди. Давлат котиби НАТОнинг Шарқий Европа мамлакатлари ҳисобига кенгайиши ҳақида гапира туриб, Кўшма Штатлар Марказий ва Шарқий Европада яшаётган халқларнинг «Улар Европада иккинчи навли фуқаролар бўлмасликларини» тушуниб етишларини хоҳлайди, деди. Айни пайтда Олбрайт хоним «совуқ уруш» йилларида сунъий равишда Европада ташкил этилган бўлиниш чизиқларини бартараф этиш зарур, деб ҳисобламоқда. НАТО ва Россия ўртасидаги муносабатлар тўғрисида келишув тайёрлаш ҳақида сўз юритган давлат котиби «Бу русларга НАТО уларнинг душмани эмаслигини тушуниб етишга имконият яратади», деди. Тарихдан маълумки, Марказий ва Шарқий Европа XX асрнинг биринчи ярмида Иккинчи жаҳон урушининг маркази бўлган. Бу минтақадаги барқарор бўлмаган вазият охир-оқибатда бутун дунё мамлакатларини ташвишга солиши мумкин. Шуни ҳисобга олиб, чамаси НАТО ушбу минтақада ўз таъсир доирасини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Айни чоғда НАТОнинг кенгайишини Россия ўз манфаатларига хавф солинаётибди ёки душманлик мақсадларида йўл тутилаётибди деган маънода қабул қилмаслиги муҳимдир, — деди давлат котиби. НАТОнинг кенгайишидан мақсад — бу минтақада барқарор вазиятни вужудга келтириш ва муаммоларни биргаликда ҳал қилишга киришишдан иборатдир. «Биз, — деди Олбрайт хоним. — НАТОнинг кенгайиши фақат АҚШга эмас, балки Россияга ҳам наф келтиради деб ҳисоблаймиз. Чунки бизни Россия тақдири ташвишга солмоқда. Шунинг учун бу улкан мамлакат ўзини якка ҳолда ўраб қўйилган деб ўйламаслиги керак. Айни пайтда биз НАТО ва Россия ўртасида келишув ишлаб чиқиш тўғрисида музокаралар олиб боряпмиз. Бу музокаралар русларга НАТО уларнинг душмани эмаслигини тушуниб етиш имконини беради».

БМТ ХОДИМЛАРИ ТОЖИКИСТОННИ ТАРК ЭТМОҚДА

☑ Шу йилнинг 4 февралидан буён Тожикистонда Б. Садиров бошлиқ бир гуруҳ ҳарбийлар бу ерда фаолият кўрсатаётган БМТ ҳарбий кузатувчиларини, халқаро Қизил Хоч қўмитаси ҳамда қочоқлар ишлари бўйича БМТ олий комиссари вакилларини шунингдек хорижий журналистларни гаровга ушлаб турибдилар. «Тожикистонда гуманитар ва тинчлик вазифаларини бажараётган мазкур кишиларнинг қўлга олиниши халқаро нормаларнинг қўпол равишда бузилиши ҳисобланади, — деди. АҚШ давлат департаменти расмий вакили Николас Бэрнс. — АҚШ ҳукумати Тожикистонда гаровга ушланганлар аҳволининг ёмонлашаётганлигидан ташвишга тушмоқда». Айни пайтда эса БМТ Тожикистондаги бир неча ходимини қолдириб, асосий кўпчиликни бу мамлакатдан олиб чиқишга тайёргарлик кўраётганлигини маълум қилди. 7 февраль куни халқаро Қизил Хоч қўмитасининг икки ходими озод этилди. Бироқ 9 нафар БМТ вакили ва 5 нафар журналист ҳалигача гаровда ушлаб турилибди. Маълумотларга қараганда, ўғриланган кишилар Душанбедан 80 км узоқликда жойлашган Обигарм пунктига келтирилган. Бу ерда мухолифат кучларининг катта гуруҳи жойлашган.

«Биз ўз вакилларимизнинг ўғриланишини қатъий равишда қоралаймиз, — деди БМТ қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари Садако Огата ўз баёнотида. — Бизнинг ходимларимиз куппа-кундузи Душанбедаги ўз иш жойларидан номаълум кимсалар томонидан ўғирланди. Бу машъум воқеа қочоқлар ишлари бўйича БМТ ходимлари ва бошқа халқаро ташкилотлар вакилларининг хавфсизлиги масаласи ўта эътиборсиз қолдирилаётганлигининг оқибатидир. С. Огата Тожикистон ҳукуматини гаровга ушланганларнинг барчасини тезлик билан озод этишга чақирди.

ХИТОЙ БУТУНЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ АЪЗОСИ БЎЛМОҚЧИ

☑ Яқин вақт ичида Хитойнинг бутунжаҳон савдо ташкилотига қўшилиши ҳақида биринчи маротаба жиддий музокаралар бошланади. Бу ҳақда АҚШ савдо вакиллиги масъул ходими баёнот берди. Хитой савдо бошқармасининг АҚШдаги ваколатхонаси бўлим мудири Марта Ченнинг айтишига қараганда, музокараларда Хитой томони вакиллари амалга оширилиши мумкин бўлган таклифларни кўтариб чиқадилар. Ҳозирга қадар ХХР томони ҳеч қандай бир таклиф билан чиқмаганди. Ўтган йили Манилада АҚШ Президенти Б. Клинтон ва Хитой раҳбари Цзиян Цземин учрашувидан кейин «Сиёсий кайфият ўзгарди. Эндиликда биз шундай аҳволдамизки, Америка томони билан жиддий музокараларни бошлашга астойдил киришишимиз мумкин», — деди Чен. Марта Чен АҚШдаги ташқи савдони ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича банкирлар уюшмаси конференциясида сўзга чиқиб, бутунжаҳон савдо ташкилоти ишчи гуруҳининг февраль ойи охирида ўтказилиши мўлжалланган йиғилишида Хитойнинг ушбу ташкилотга қўшилиши масаласи муҳокама қилинишини айтди.

САЙЛОВДА КОРЖАКОВ ҒОЛИБ ЧИҚДИ

☑ Россия Давлат думасига ўтган якшанба куни Тула шаҳридан янги депутат сайланди. Бир неча номзодлар орасидан тулаликлар Президент Ельциннинг хавфсизлик хизмати собиқ бошлиғи, генерал Александр Коржаковни маъқул кўришди. А. Коржаков номзоди учун сайловда иштирок этганларнинг 26,3 фоизи овоз берди. Собиқ Давлат думаси депутати Э. Пашенко, академик А. Хадарцев, шахмат бўйича жаҳон чемпиони А. Карпов ва бошқа бир неча кишилар ҳам депутатликка ўз номзодларини қўйишган эди. Бироқ тулаликлар Кремлдан қувилган генерал номзодини қўллаб-қувватлашди. Америкада чиқадиган «Майами Геральд» газетаси мухбири мазкур сайлов ҳақида фикр билдириб, Александр Коржаковнинг ғалабаси Кремль учун бир қадар кутилмаган ҳодиса бўлди, дейди. Мақола муаллифининг айтишича, Президент хавфсизлик хизмати собиқ бошлиғи Ельцин учун ҳам, унинг атрофидагилар учун ҳам катта муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Чунки генерал А. Коржаков ДХҚ (КГБ) ходими ва Борис Ельциннинг хавфсизлик хизмати бошлиғи вазифаларида ишлаётган чоғида кўплаб махфий ҳужжатларни кўздан кечирган. Ғу эса унинг кўп нарсадан хабардор эканлигини ва айни шу хабардорлиғи боис ўз душманларига қарши очиқдан очиқ курашиш имконини беради.

СОҒЛИК— ТУМАН БОЙЛИК, БИРОҚ....

☑ Кейинги йигирма йил ичида Россияда Михаил Горбачевни ҳисобламаганда биронта соғлом раҳбар мамлакатни бошқармаган, деб ёзади Америкaнинг «Лос-Анжелес Таймс» газетаси. Россиянинг бугунги аҳволи Брежнев, Черненко ва Андропов раҳбарлик қилган даврларга жуда ўхшаб кетади. Илгари Ельцин ҳақида бемалол гапирилган бўлса, бугунга келиб Кремль сиёсатдонларининг Президент соғлиғи ҳақидаги баёнотларида андаккина ёлғон борлиги сезилиб қолмоқда. Ельциннинг Кремлда кўп вақт бўлмаслиги унинг нафақат давлат бошлиғи сифатидаги обрўйига путур етказмоқда, балки Президент соғлиғи ҳақида турли миш-мишларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Жумладан, немисларнинг «Бильд» журналида босилган мақолада Ельцин кейинги икки йил давомида паркинсон касаллигидан азоб чекаётганлиги ҳақида гумонлар билдирилган. Ғарб таҳлилчиларининг фикрига кўра, «Ельцин даври» якуни яқин ва эндиликда Россияга янги Президент зарур бўлиб қолмоқда.

Аслиддин БОЛИЕВ.

АҚШ—ТАЖРИБА МАМЛАКАТИ

Бир сафар таассуроти

АҚШ тажрибасини қисман бўлсада ўрганиш мақсадида республикамизнинг ун кишилик ҳуқуқшунослар делегацияси бир ойдан кўпроқ Америкада бўлдик.

АҚШнинг Нью-Йорк, Вашингтон, Бостон, Атланта, Жексон ва бошқа бир қатор шаҳарларида бўлиб, унинг давлат тузилиши, давлат органлари тизими, маъмурий-ҳудудий бўлиниши, қонунларни қабул қилиш жараёни, федерал ва айрим штатлар конгресс ва сенатларни ҳамда Адлия вазирлиги, суд ва бошқа бир қатор органлари иш фаолияти билан бевосита танишдик. Океан оша сафаримиз Президентимиз И. А. Каримовнинг АҚШда бўлиб, Президент Б. Клинтон билан олиб борилган расмий учрашувларидан сўнг, республикамиз халқаро ҳамжамиятлар ичида фаол ҳаракат қилиб, ўз ўрнини топаётган бир даврига тўғри келди. Шунинг учун ҳам Америка жамоатчилиги билан бўлган учрашувларда Ўзбекистон, унинг салоҳияти, халқи ва иқтисодий имкониятлари тўғрисида қизиқиб, бизнинг мамлакатимиз тўғрисида кўпроқ билишга ҳаракат қилди.

АҚШ пойтахтининг гавжум кучасида жойлашган давлатимиз элчихонасининг янги, салобатли биносида «Узбекистон Республикаси элчихонаси» — деган сўзлар инглиз ва узбек тилларида катта-катта қилиб ёзиб қўйилган. Эшик тепасида республикамизнинг Давлат байроғи ҳилпираб турибди.

Давлатимиз элчихонасида бўлишимиз қувончли кунларга тўғри келди. Чунки, Америка Қўшма Штатлари Президенти Б. Клинтон ўша кунлари мамлакатимиз элчиси С. Сафоевдан Ишонч Ёрлиғини қабул қилиб, республикамиз салоҳияти, иқтисоди, келажаги, Марказий Осиёда тутган ўрни тўғрисида илиқ гапларни айтиб, давлатимиз раҳбариятининг Афғонистон масаласи ва бошқа соҳаларда олиб бораётган ишларига юксак баҳо берибди.

Маълум бўлишича, бирор давлат элчиси АҚШ Президентига Ишонч Ёрлиғини топшириши учун одатда 3-4 ой кутиши керак экан . Шу йил октябрь ойида Президент Б. Клинтон сайлов арафасида ниҳоятда банд бўлишига қарамасдан элчимизни узоқ муддат кутдирмасдан, тез кунда ундан Ишонч Ёрлиғини қабул қилиши, халқаро миқёсда Узбекистон шарафига ҳурматдир.

Америка Қўшма Штатлари тузилиши бўйича федерал давлат бўлиб, ҳозирги кунда унинг таркибига тенг ҳуқуқлик асосида бирлашган субъектлар — 50 та штат киради. 1770-80 йилларда АҚШ тузила бошлаганда унинг таркибида 13 та штат бўлган. 1787 йилда қабул қилинган ва шу пайтгача 26 марта ўзгартиш киритилган, ҳажми жиҳатдан жуда кичик Конституцияда федерал, штат ва маҳаллий органларнинг ҳуқуқлари, уларнинг ваколатлари ва ўзаро муносабатлари аниқ кўрсатиб берилган.

АҚШда ҳам бошқа ҳуқуқий давлатлар сингари ҳокимиятнинг 3 тури, яъни қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз ваколатини мустақил ва тегишли қонунлар асосида амалга оширади. Американинг қонун чиқарувчи асосий органи конгресс бўлиб, у икки турда федерал ва штат конгрессларидан иборатдир, яъни Вашингтон Капитолиясида жойлашган федерация Конгресси, юқорида айтилган 4-5 хил масалаларга оид АҚШ умумий қонунларини қабул қилса, штат конгресслари мазкур штат аҳолиси мажбурий қонунларини чиқаради.

Шундай қилиб, АҚШда жами 51 та / 1 федерация ва 50 штат/ қонун чиқарувчи органлар бўлиб, уларнинг ҳар бири икки палатадан, яъни сенат вакиллари палатасидан иборат таркибда ишлайди. Сенат юқори палата ҳисобланиб, сенаторлар сони, сайланиш тартиби ва муддатларига кўра вакиллар палатасидан фарқ қилади.

Америкада қабул қилинадиган федерал қонунлари АҚШ Президенти, штат қонунлари эса штат губернатори имзоси билан эълон қилинади ва ижрога киритилади.

Биз Бостон шаҳрида бўлганимизда Массачусетс штати сенатининг мажлисида қатнашдик. Сенат раиси ва унинг ўринбосари ўринларидан турган ҳолда мажлисни очиб, унда бизнинг делегациямиз қатнашаётганлигини эълон қилганда сенаторлар ўринларидан туриб, гулдурос қарсаклар билан олқишладилар.

Маҳаллий аҳолининг ҳуқуқий онги ва савияси нисбатан юқори бўлиб, ҳар бир фуқаро қонунларни тўғри ва ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилади. Биз ўз сафаримиз давомида аҳамият берган ва ўрганишимиз лозим бўлган масалалардан бири шу бўлдики, Американинг кўпчилик фуқароси ўз мамлакатини севиб, унинг қонунлари, тартиб-қоидаларига ҳурмат билан қарайди. Қонун олдида барча тенг хисобланади ва шунинг учун ҳеч ким уни бузишга ёки қандайдир йўл билан четлаб утишга ҳаракат қилмайди. Ҳар бир ходим ўз иш жойи ва меҳнат интизомини қадрлаб, ўз хизмат вазифасига ута масъул муносабатда булади ва хизмат бурчини тўлиқ бажаради. Шунинг учун айрим штатларда касаллик варақаси билан ҳақ олишнинг ҳам йиллик миқдорини қонун билан чеклаб қўйган ҳолларини учратиш мумкин.

АҚШнинг бир неча машҳур университетларида бўлиб, таниқли профессор ва олимлардан қонунчилик, бозор иқтисодиёти ва ва иқтисодий ислоҳотларга доир маърузалар тингладик, Америка ҳамда дунё бир қатор мамлакатларининг бу соҳага оид тажрибалари билан танишдик. Массачусетс университети сиёсатшунослик факультети профессори Эд Бирд, Гарвард университети профессори, Мустақил Ҳамдўстлик Мамлакатлари иқтисоди таҳрири маркази бошлиғи Маршал Голдмен, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқтисодий масалалар эксперти, профессор Артур Мак Эван, Гарвард университети Жон Кеннеди номидаги давлат бошқаруви факультети профессори, АҚШ Сенати маслаҳатчиси Ричард Паркер ва бошқа бир қатор мутахассисларнинг маъруза ва суҳбатлари бизда катта таассурот қолдирди.

Америка иқтисодининг ривожланиш сабабларидан яна бири — давлат томонидан адолатли, барча учун мажбурий бўлган қонунларнинг қабул қилиниши ва қонун устуворлигининг таъминланишидир. Умуман, Америка олимлари ва мутахассисларнинг фикрича, бозор иқти[illegible]и ва қонунчилик — бу бир-биридан ажралмас икки тушунча бўлиб, адолатли қонунлар қабул қилиниб, уларга риоя қилинсагина бу соҳада ижобий натижаларга эришиш мумкин экан. Шунингдек, мамлакат иқтисодининг ривожланишида аҳолининг қўйи, кам таъминланган табақасини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам катта аҳамиятга эга эканлиги қайд қилиб ўтилди. Буларни тинглаб, республикамизда бу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг нақадар тўғрилигига яна бир карра ишондик.

Америка олимлари иқтисоди тезлик билан ривожланаётган Япония, Гонконг, Тайван, Сингапур, Жанубий Корея ва Хитой давлатлари айрим соҳаларда АҚШдан ўзиб кетганлигини ва собиқ социалистик тузум мамлакатларидан Польша, Венгрия, Чехия, Словакия — Узбекистон иқтисодий ислоҳотларда тўғри йўлдан бораётганини ҳам таъкидлашди.

Хуллас, АҚШ сафаримизда бўлардан ташқари суд, адлия, прокуратура, полиция, солиқ, банк, молия, табиат муҳофазаси, монополияга қарши кураш, савдо ва бир қатор давлат органлари устуворлигини таъминлаш борасида бозор иқтисоди шароитида қонун олиб бораётган ишлар билан танишиб, керакли, ижобий тажриба ўрганиб қайтдик.

Мирза ТУРСУНОВ,
Қашқадарё вилоят хўжалик суди раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист.

Гавая штати вакили Брук Ли 1997 йилдаги «АҚШ гўзали» тожига сазовор бўлди. Анъанавий равишда ўтказилаётган бу танловнинг 46-чиси Шривпорт (Луизиана штати) шаҳрида ўтказилди. 26 ёшли қора кўзли бу гўзал қиз 49 штат вакиллари орасида ғолиб чиқди. Бу ғалаба Брук Лига 170 минг долларлик пул мукофоти ва совғалар келтирди. Шунингдек, автомашина ва қиймматбаҳо тақинчоқларга эга бўлди. Бу танлов жараёни жаҳондаги 30 мамлакатга телевидение орқали намойиш этилди ҳамда бундан 300 миллион томошабин баҳраманд бўлди.

РЕЙТЕР [illegible]ти.

Бу турфа олам

БИРИНЧИ МУЗЛАТГИЧНИ КИМ ЯРАТГАН?

Нисбийлик назарияси ва замонавий физика фанларининг асосчиси бўлмиш Альберт Эйнштейн музлатгични ҳам кашф этган экан. У 1925 йилда ядро реакторини яратган олимлардан бири Лео Сцилард билан ҳамкорликда дунёдаги биринчи музлатгични ясаган. Бу антиқа машинани кўрганларнинг гувоҳлик беришича, у «оч бўридай увиллаб» ишлаган, лекин шунга қарамай, Германиянинг электротехника жиҳозлари ишлаб чиқарувчи концернларидан бири кашфиётни 12 минг маркага сотиб олган эди. Афсуски, музлатгичнинг дастлабки намунаси ниҳоятда шовқин билан ишлагани туфайли кўп миқдорда ишлаб чиқарилмаган.

ЭНГ ҚИММАТ ЛИБОС

Италиянинг Милан шаҳридаги моделлар уйида дунёдаги энг қиммат келинлик либоси тикилди. Унинг нархи 1,5 миллион АҚШ долларига тенг. Қизиғи шундаки, бу ерда баъзи кимошди савдоларидаги каби баҳони сунъий равишда кўтариш тажрибаси қўллангани йўқ. Либос ҳақиқатан ҳам жуда қиммат саналади. Чунки у... Платина толаларидан тикилган.

Моделлар уйи ходимларининг айтишича, кўйлакни тиқиш учун 10 ой вақт сарфланган, Дастлаб ҳар бир грамм платинадан 1000 метрдан зиёд узунликда «ип» йигирилган, сўнгра ундан «мато» тўқилган. Мазкур либосга Японияннинг йирик саноат корпорацияларидан бири буюртма берган экан. Бироқ, моделлар уйи ходимлари мазкур корпорация номини сир тутишмоқда.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 13-fevral, payshanba № 19 (22.104).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

НАВОИЙ ВА «НАВОИЙНОМА»

Маънавият чироқлари

Улуғ шоир ва мутафаккир Низомиддин Амир Алишер Навоий беш ярим асрдан кўпроқ давр орасида жаҳон тамаддуни хазинасини ноёб дурдоналар билан бойитган сиймо сифатида ардоқланиб келинади. Шу боисдан ҳам бу табаррук зотнинг сурат ва сийратлари, таржимаи ҳол ва фаолиятлари ҳам бу давр орасида кўпгина адиб, шоир ва муаррихларнинг диққатини ўзига тортди. Натижада улуғ шоир ҳақида қанчадан-қанча илмий, бадиий ва эсдалик тарзидаги асарлар юзага келди ва бу жараён ҳозирги замонда ҳам давом этмоқда.

Асримизнинг аллома адиби Ойбек, Иззат Султон, Уйғун, Миркарим Осим, Л. Бать ва бошқалар наср, назм ва саҳнавий асарларда Алишер Навоий ҳазратларининг улуғвор сиймоларини яратишга мақтовга лойиқ ҳисса қўшдилар. Ана шу устозлардан ўрнак олиб, бу соҳада куч синаб, шеър, достон, саҳнавий асарлар битган қаламкашлар ҳам бирин-кетин майдонга кириб келавердилар. Ана шундай қаламкашлардан бири Барот Бойқобиловдир. Маълумки, Барот Бойқобилов ҳозирги замон шериятининг Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби сермаҳсул ва етук ижодкорларидандир. Унинг ижодида тарихий мавзу ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бунинг мисоли сифатида «Кун ва тун» достонини эслаш жоизки, у Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган эди.

Шундай бўлсада, Барот Бойқобилов талабалик даврларидан бошлаб, улуғ Алишер Навоий ҳаёти, ижоди ва фаолиятига катта қизиқиш ва меҳр билан муносабатда бўлар эди. Ана шу қизиқишнинг кучая бориши туфайли Барот Бойқобилов шоирлик соҳасида тажриба орттириб, ҳазрат Навоий ҳаёти, ижоди, фаолияти ва даврлари ҳақида ёзилган асарларни синчиклаб ўрганишга астойдил киришиб, асримизнинг 70 йилларининг иккинчи ярмида узоқ муддат режалаштирилган улуғ ният-мақсадни — Низомиддин Амир Алишер Навоий ҳақида шеърий асар — роман ёзишни амалга ошира бошлади. Бу иш ўн-ўн икки йилда, яъни 1977-1987 (1989) йиллар орасида тўрт китоб — «Шукуҳли карвон», «Нотинч Хуросон», «Сокин Хуросон» ва «Қонли Хуросон» шаклида ўқувчиларга тақдим этилди. Бу ҳақда муаллиф тўртинчи китоб — «Қонли Хуросон»нинг хотима қисмида шундай мисраларни битган:

Чекиб ранжу алам ўн йилдан ортиқ,
Тўрт китобни элга айладим тортиқ...
Ўттиз беш минг мисра қилинди рақам,
Эллик босма тобоқ бўлур, этса жам.

1

АЙЛАНМА ЙЎЛДА БОШИ АЙЛАНДИ

Божхона бекати

Сурхондарё вилояти билан қўшни Тожикистон Республикасини Кўҳитанг тоғ тизмаси ажратиб туради. Аммо тоғнинг чўққисидан кўра текис жойлари кўплиги боис бу ерда турли йўллар ҳам бисёр. Ана шундай айланма йўлларнинг бирида Тожикистон томонга «ЗИЛ-130» русумли давлат белгиси 56-32 СДМ автоулови кетаётган эди. Бироқ, уларнинг йўлига сурхондарёлик божхоначилар тўғаноқ бўлдилар. Автоулов тўхтатилиб, божхона назоратидан ўтказилганда, унинг юкхонасида 600 килограмм ун ва 1720 килограмм шакар борлиги аниқланди. Дастлабки суриштирув чоғида ушбу юклар Ўзбекистон Республикаси фуқароси А. Алимардонов ва Тожикистон Республикаси фуқароси Ш. Норовга тегишли эканлиги маълум бўлди.

Бу маҳсулотларга дахлдор ҳужжатлар сўралганда, «икки оғайни ботир»лар ер чизиб қолишди.

Ўша куни Кўҳитанг тизмасининг яна бир жойида икки юз чақирим нарида ҳам шунга ўхшаш ҳолат аниқланди. Вилоят божхоначилари ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари билан ҳамкорликда пана-пастқам йўллар орқали Тожикистонга кетаётган от арава тўхтатилиб текшириб кўрилганда, унда 1 тоннага яқин шакар борлиги аниқланди. Юк эгаси республикамиз фуқароси Р. Дўстов юкни Узун деҳқон бозоридан нотаниш кишидан олганлигини айтган.

Айни пайтда ҳар икки ҳолат юзасидан маъмурий иш қўзғатилиб, тегишли чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига жўнатилди.

«НОЁБ ОҒУ»

Тошкент шаҳри божхоначилари «Аэропорт» божхона мажмуасида Миллий хавфсизлик хизмати билан ҳамкорликда «Тошкент-Москва» рейси билан учаётган йўловчиларни божхона назоратидан ўтказаётиб, республикамиз фуқароси Ильмира исмли аёлнинг ёнидан 372 грамм героин (!) топиб олди. Айни пайтда мамлакатимизга бундай кучли «оғу»нинг қандай келиб қолганлиги билан тегишли идоралар қизиқишмоқда.

Республика божхона хизмати матбуот маркази.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»),
Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛОВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида А—2 форматида 32 335 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 072

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 00.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Бу ўринда шуни эслатиш жоизки, муаллифнинг «Мухлислар, шеърият ва Улуғ Навоий билагонлари асаримни қандай кутиб олар эканлар, унинг ҳақида нима дер эканлар», мазмунидаги ташвиши ўринли ва тушунса бўладиган ҳол. Чунки шоир мурожаат қилган мавзу ҳам, унинг бош қаҳрамони ҳам ниҳоятда катта масъулиятни талаб қиладиганлардан эканлигини муаллиф яхши тушунади. Бунинг устига мазкур мавзу атоқли адибларнинг асарларини майдонга келтириб, бу асарлар жаҳон миқёсида эътироф этилганлар. Буни ҳам муаллиф яхши билади; биладигина эмас, балки бевосита бу ҳодисанинг шоҳиди ва гувоҳи ҳамдир...

«Навоийнома» туркумидаги биринчи китоб — «Шукуҳли карвон» нашр бўлгач, Алишер Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти, ижоди ва фаолиятини адабиётшуносликда илк бор чуқур таҳлил қилиб, бу ҳақидаги мақола ва рисолалари билан илмий жамоатчиликнинг олқишига сазовор бўлган раҳматли академик Воҳид Абдуллаев бу китоб ҳақида шундай мулоҳазаларни билдирган эдилар: «Улуғ устод Алишер Навоийнинг умуман ҳаёти, ижодиёти, жумладан, Самарқанддаги фаолияти шу қадар ҳам бой, мураккаб, сертармоқ ва серқирра фазилатларга эгаки, уларни тўлалиги билан ёритиш аввало фундаментал ўрганишу сўнгра донишмандлик билан қалам тебратишни, демак, қанча-қанчалаб қаламкашликни талаб этади. Бу йўлда ҳар ким ба қадри ҳол бир кашфиёт, ўзига бир янги олам яратади.

Худди ана шу жиҳатдан қараганда Барот Бойқобиловнинг «Шукуҳли карвон» шеърий романи ҳам бадиий адабиётда Навоий саргузаштини, жумладан, Самарқанддаги фаолиятини талқин этишда янги йирик бир кашфиёт, янги-бир олам саналади».

Ниҳоят, республикамизнинг мустақиллиги туфайли Барот Бойқобиловнинг улкан меҳнати туфайли юзага келган «Навоийнома» туркуми муносиб тарзда тақдирланиб, шоирга Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти берилди, бошқача қилиб айтганда, ижодий меҳнатнинг эътирофи сифатида шоир бошига «тож» кийгизилди. Демак, шоирнинг орзулари амалга ошди.

Бас, шундай экан, тождор муаллифнинг бу асарига яна мурожаат қилиш, унинг ҳақида мулоҳазалар билдириш эҳтиёжи бормикан, дейиш ҳам табиий кўринади. Энг қизиғи ва муҳими, бу эҳтиёжни муаллифнинг ўзи сезиб, ўзи унга қайта мурожаат қилиш тарафдори. Бизнингча, бу ҳолни тушуниш мумкин ва уни ижобий ҳодиса сифатида қабул қилиш маъқул. Чунки мазкур асар ёзилганига ҳам 15-20 йил бўлди. Муаллиф ҳам, бир томондан, «тождорлик» масъулияти, иккинчи томондан бадиий маҳоратнинг такомили ҳамда, учинчи томондан эса улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг ўз асарларини қайта таҳрир қилиш тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ўзининг «Навоийнома»сига яна бир карра мурожаат қилмоқчи, уни янада мукаммаллаштириб, яхлит бир ҳолга келтирмоқчи. Бу эса олижаноб ва қўллаб-қувватлашга лойиқ муддаодир. Бас шундай экан, туркумни ташкил этувчи китоблардаги байтлар, сўзлар ва ҳоказолар «бундай кетган, бундай бўлиши керак эди» сингари мулоҳазаларни баён этишни эп кўрмадик, чунки муаллиф бу масалаларни биздан ҳам дақиқроқ шоирона назар ва дид билан мулоҳаза қилиб, уларни тузатиш режаларини тузиб қўйган кўринади. Эҳтимол, уларнинг тузатилган варианти аллақачонлар тайёр бўлган бўлиши мумкин.

Бизнингча, гап бошқа томонда, яъни туркумга дахлдор муҳим масалалар бўйича фикр алмашишда бўлса керак. Муаллиф ҳам шуни назарда тутган кўринади. Бу муҳим масалалар нималардан иборат? Албатта, уларни ҳар бир шахс ўз тушунчаси асосида белгилайди ва сўз юритади. Шундай экан, бизнинг назаримизда қуйидагилар муҳим кўринади:

Туркумда ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижоди фаолияти, сурат ва сийратлари, эҳсосот ва улуғворликлари давр тарихи ва маънавияти билан боғлиқ тарзда амалга оширилганми?

Асарда тасвирланган тамсил (образ)лар, жумладан, Алишер Навоий сиймоларини яратишда тарихийлик, тадрижийлик ва бадиийликнинг мезони қандай?

Бундай саволларни қаторлаштириб, муҳтарам ўқувчиларни зериктириб қўйиш ҳеч гап эмас. Эслатганимиз муҳим масалаларни ўртага қўйишдан мақсад Барот Бойқобилов яратган тўртлик туркумининг улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий сиймоларини майдонга келтиришдаги аҳамияти ва афзаллиги атрофида мулоҳаза юритишдан иборат.

2

Маълумки, ҳазрат Алишер Навоийнинг бадиий сиймоларини гавдалантиришга бағишланган ҳикоя, қисса, роман ва саҳна асарларида (Миркарим Осим, Э. Бать, Ойбек, Иззат Султон, Уйғун ва бошқалар) улуғ шоир ҳаёти ва фаолиятининг маълум бир даври — ё болалик, ё ўсмирлик ва ёки етуклик даврлари қамраб олинган эди. Бу асарлар турли қаламкашлар ижоди маҳсули эканлиги туфайли улар тасвир услуби жаҳатидан ҳар бири ўзига хос бир бадиий олам. Шунинг билан бирга уларда тарихийлик ва бадиийликнинг мақоми жиҳатидан бадиийликнинг етакчилиги кўзга ташланади.

Тўғри, бадиийликнинг етакчилиги тарихийлик заминида бўлиб, бу ҳол ҳазрат Навоий ҳаёти ва фаолияти, сурати ва сийратларини ёритишга хизмат қилдирилган.

Барот Бойқобиловнинг «Навоийнома» таркумини ташкил этувчи тўртта шеърий китоб — романда эса юқорида эслатилган асарлардан фарқли ўлароқ ҳазрат Алишер Навоийнинг болалик айёмларидан умрларининг охиригача бўлган ҳаёт — ижодиёт ва фаолият йўллари қамраб олиниб, таржимаи ҳолнинг хронология — санавий яхлитлиги сақланган. Агар биз бундай ишни илк бор Иззат Султоннинг «Навоийнинг қалб дафтари» насрий илмий асарида кузатган бўлсак, унда Барот Бойқобиловнинг бу ишни шеърий романлар туркумидин иборат «Навоийнома»ни ўзига хос тарзда, яъни илмийлик, тарихийлик ва бадиийлик йўналишида амалга оширганининг гувоҳи бўламиз. Биз Барот Бойқобилов асаридаги ўзига хослик ҳақида сўз юритишни давом эттириб, яна шуни ҳам эслатишни ўринли деб биламизки, Иззат Султоннинг асарлари манбаларга асосланган, илмий услубда яратилган бўлса, Барот Бойқобилов ҳазрат Алишер Навоий таржимаи ҳоллари сурат ва сийрат, фаолият ва ижодлари ҳақидаги илмий-манбаи маълумотларни шоирона услубда идрок этади ва тасвирлайди. Натижада Барот Бойқобилов асарида ҳақиқат ва тахаййул, тарихийлик ва бадиийлик, илмийлик ва бадиий тўқима қоришади-да, тарихийлик-солномалик етакчилик қилади.

Худди ана шу жараённинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида улуғ шоир ҳаётининг кам ёритилган, бошқача қилиб айтганда, манбаларда оз маълумот сақланган лаҳзалари шоирона таййул ёрдамида тўлдирилади-ки, улар ҳақиқатга яқин лавҳалар сифатида қабул қилинади ва ҳазрат Навоий сиймолари яхлит тасаввур ва тасвир этишга хизмат қилади. Бунга болалик айёми, тоғалари билан мушоиралар қилиш, оналари билан учрашувлар, Астроободдаги воқеалар ва шунга ўхшаш кўпгина лавҳаларни мисол тарзида эслатиш мумкин.

Бундай усул эса, ўз навбатида, ҳазрат Навоийни болалик айёмидан умрлари охиригача бўлган фурсатдаги ҳолат, сурат ва сийратларини яхлит тасаввур этишда кўмаклашади. Бу ўринда шуни уқтириш лозим бўладики, туркум Алишер Навоий ҳазратларининг таржимаи ҳол ва фаолиятларини хронология — санавий тарзда ёритишга бағишланган экан, унда тўрт китобдан биринчи («Шукуҳли карвон») ва иккинчи («Нотинч Хуросон») китобларнинг ўрнини алмаштириш мантиқий кўринади. Чунки биринчи («Шукуҳли карвон») китоби Алишер Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти ва фаолиятидан сўз юритилса, иккинчи китоб («Нотинч Хуросон») шоирнинг болалиги ва ёшлиги, яъни Самарқандга келгунга қадар бўлган таржимаи ҳоли ва фаолиятидан баҳс юритилади. Бас шундай экан, бу икки китобнинг жойини, тартибини алмаштириш хронология — санавийликнинг мантиқий бўлиши ва тарихийликнинг тадрижийлигини юзага келтиришга хизмат қилади. Бу муносабат билан яна бир мулоҳазани баён этиш ҳам ўринли бўлур эди деб ўйлаймиз. Бу ҳам бўлса китобларнинг номланиши масаласи. Ҳозирги учта китобнинг номи Хуросон билан боғланади («Нотинч Хуросон», «Сокин Хуросон», «Қонли Хуросон»), битта китоб эса «Шукуҳли карвон» тарзида номлаган. Бизнингча, асарнинг аксар воқеалари Хуросонда давом этгани билан туркум Хуросон тарихини ёритишни эмас, балки ҳазрат Алишер Навоий сиймоларини яратишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Шунинг учун ҳам асарнинг меҳвар бош устуни Алишер Навоий ҳазрати бўлиб, барча воқеалар, тарихий ва тўқима сиймолар шу ҳазратнинг атрофларича тўпланганлар ёки бошқача қилиб айтганда, уларнинг ҳаммаси ҳаракатга келтирувчи етакчи куч — бу ҳазрат Алишер Навоийдирлар. Шундан келиб чиққан ҳолда бу тўрт асар Алишер Навоий умрининг тўрт фасли тасвири билан боғланар экан (бу ҳол муаллиф томонидан китобларнинг муқаддималарида қайд қилинган), ҳар бир китобни ҳам шунга боғлиқ тарзда номлаш мақсадга мувофиқ кўринади. Шунинг учун асарни янги нашрга тайёрлаш жараёнида бу масалани мулоҳаза қилиб кўриш маъқулмикан, деган истагимиз ҳам йўқ эмас.

3

Барот Бойқобиловнинг тўрт китобдан иборат туркумида тарихийликнинг етакчилиги унда қатнашадиган қаҳрамонлар мисолида ҳам кўринади. Албатта, ва бу табиий ҳолки, асарнинг марказида меҳвар сифатида Алишер Навоий сиймолари туради ҳамда асарнинг аввалидан охиригача фаолият кўрсатадиган қаҳрамонлар Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқародир. Бу орада кўпгина тарихий шахслар — Ғиёсиддин, Дарвеш Али, тоғалари, Абдураҳмон Жомий, Сайид Ҳасан Ардашер, Аҳмад Вафоий, Фазлуллоҳ Абулайс Самарқандий, Мавлоно Лутфий қатнашади. Уларнинг талқини эса Алишер Навоийга нисбатан бўлган самимий ва меҳрибонлик нуқтаи назаридан амалга оширилган, аммо Маждиддин, Низомулмулк, Абу Саид Мирзо ва бошқалар талқини эса юқоридагилардан фарқ қилади ва улуғ шоирга нисбатан нosамимийлик ҳамда гина ва ҳасадда бўлганлик нуқтаи назардан ёритилади. Туркумда тўқима тамсил (образ)лар ҳам бор. (Садойи, найсоз, Даҳо Хиравий, Хожа Усмат, Самовий, Ботирбек ва бошқалар). Бу тимсоллар ҳам юқорида эслатилаган тамойиллар асосида тасвирланганлар.

Туркумда ҳазрат Навоий сиймоларининг тасвирида санавийлик усули сақланган бўлса-да, аммо тимсолининг тадрижийлигига ҳамиша ҳам риоя қилинган деб бўлмайди. Бу ҳол хусусан улуғ шоирнинг болалик айёмларининг тасвирида кўзга ташланади. Масалан, Алишернинг Хуросон подшоси Шоҳрух Мирзо билан учрашув вақтидаги сўзлари 5-6 яшар боланинг нутқи ва тафаккур услуби қаҳрамоннинг жисми ва тушунчалари доирасига мутаносиб деб айтиш қийин. Тўғри, бу ҳол туркумдаги тантанавий — кўтаринки руҳи билан ҳам изоҳланиши мумкин. Ҳар ҳолда улуғ шоир сиймосини тасвирлашда тадрижийликка риоя қилиш тимсол мантиқининг, бошқача қилиб айтганда, унинг ўсиш ва улғайиш жараёнида эканини тушуниш ва идрок этишда муҳим аҳамият касб этади.

Бу ўринда битта муҳим ҳодисани ҳам эслатиш лозим кўринади. Агар сиз, азиз ўқувчи, туркумдаги ҳамма китобларни узлуксиз ҳолда мутолаа қилсангиз, унда асар муаллифининг ўн-ўн икки йил давомида тушуниш ва бадиий тасвир маҳоратидаги тадрижийликни, яъни муаллифнинг ўзи биринчи китобни ёзган даврдан тўртинчи китобни тугалланган давр орасида камолот босқичлари сари қадам қўйганининг гувоҳи бўласиз. Бу эса ниҳоятда муҳимдир. Бас шундай экан, ҳазрат Навоий тимсолларидаги тадрижийликни ҳам шу таҳлитда тушуниш ва дарк этиш табиий кўринади.

Бу яна бир муҳим масала билан боғлиқ кўринади. Маълумки, ҳазрат Навоий яшаган ва фаолият кўрсатган даврда маънавий ҳаётнинг барча соҳаларида катта мавқега эга бўлган тасаввуф ва унинг Нақшбандия тариқати таъсири чун-чаросиздир. Бас бундай экан, улуғ шоир тимсолининг тўлақонли бўлиши учун бу масалага ҳам ўз ўрни ва меъёри билан эътибор қилинса, айни муддао бўлур эди.

Барот Бойқобилов билан бўлган учрашувлар вақтида шу нарса маълум бўладики, муаллиф ҳозирги кунда бу масалани аллақачон тўғри тушуниб, Нақшбандия тариқатининг мазкур даврдаги муршиди Хожа Аҳрор Валий ҳазратларига бағишлаб «Навоийнома»нинг бешинчи китоби — «Ҳайратул-Аҳрор» - (Аҳрор ҳайратлари») шеърий романини ниҳоясига етказибди.

Бас, шундай экан, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийга бағишланган тўрт китобга яна бир китоб қўшилиб, ўзига хос бешлик туркуми майдонга келибди. Демак, «янги хамса» яратилибди. Бу билан муҳтарам муаллифни чин кўнгилдан табриклаб, улуғ шоир анъаналарини ҳозирги замон талаблари асосида ривожлантирилганини қўллаб-қувватлаш лозим.

Шундай қилиб, Барот Бойқобиловнинг «Навоийнома» туркумининг ёхуд «янги Хамса»нинг майдонга келиши ҳозирги замон эпик шериятида ўзига хос адабий ҳодиса сифатида муҳимдир.

Биз бу туркумдаги ҳамма масалалар ҳақида тўлиқ тўхталмадик, юқорида эслатилган муҳим масалалар бўйича бошлаган сўзимизга нуқта қўйганимизча йўқ. Чўнки туркумни мукаммаллаштириш жараёни давом этмоқда. Агар муаллиф тўртлик туркумига бешинчисини ҳам қўшиб нашр эттирса (ва бу ишни, албатта, амалга ошириш керак), бу масалаларга яна қайтурмиз.

Ботир ВАЛИХЎЖАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

4

Спорт

ФУТБОЛ БАҲОРИНИ КУТИБ

Орзиқиб кутилган дамлар яқинлашмоқда. Яна бир ойдан кейин Ўзбекистон миллий футбол чемпионатининг байроғи ҳилпирай бошлайди. Республика футбол федерациясида олий табақа жамоаларининг бу йилги чемпионатдаги иштироки тартибини аниқлаш мақсадида қуръа ташланди. Бу йилги мавсумда 16 жамоа иштирок этиши мўлжалланмоқда. Келаси йили эса уларнинг қатори 2 тага камаяди. 1999 йилдан бошлаб 12 жамоа ўртасида чемпионат ўйинлари ташкил этилади. Олий табақа жамоалари бу йилги чемпионатни 18 март куни бошлашлари аниқ бўлди. Шу куни «Косонсой» — «Насаф», «Атласчи» — «Чилонзор», «Зарафшон» — МҲСК, «Трактор» — «Янгиер», «Бухоро» — «Пахтакор», «Дўстлик» — «Сўғдиёна», «Афросиёб» — «Навбаҳор», «Андижон» — «Нефтчи» жамоалари майдонга тушади.

КУЧЛИЛАР ХЕВАГА БОРАДИ

Зарафшон шаҳрида мини-футбол бўйича дастлабки мамлакат чемпионати бошлангани ҳақида хабар қилган эдик. Мусобақанинг биринчи босқич баҳслари бўйича 9 жамоа икки даврали ўйинда иштирок этганди. Навбатдаги босқич ўйинлари Самарқандда бўлиб ўтди. Жамоалар финалга чиқиши учун астойдил курашдилар. Хусусан «Р. Мадаминов» — 39, «Термо» — 36, «Сокол» — 28, «Солиқчи» — 26, «Саноатчи» — 25, «Дўстлик» — 16 тадан очко тўплаб, чемпионатнинг финал босқичига йўлланма олишди. Ҳал қилувчи учрашувлар апрель ойида Хева шаҳрида бўлади.

Қисқача
Yangiliklar, voqealar, xabarlar

OLIBSOTARGA YO`L BERMAY

NUKUS. "Markaziy bozor" huzurida qishloq ho`jalik mahsulotlarini qabul qilib olish yo`lga qo`yildi. Ulgurji usulda faoliyat ko`rsatadigan "Markaziy bozor" hissadorlik jamiyatining tashkil etilishi dehqonlarga ma`qul tushmoqda. Mamlakatning turli burchaklaridan kelgan dehqonlar o`z mahsulotlarini olibsotarlarga bermay, mazkur jamiyat qabulxonasiga topshirmoqdalar. Jamiyat raisi Jumaboy Mamutovning ta`kidlashicha, bunday usul dehqonlarning kunlarini behuda o`tkazishlarini oldini olarkan.

Reyimboy YESHIMBETOV.

SHOVOTDA XEVA MUZEYI

URGANCH. Shovot tumanidagi 14 maktabda o`lkashunoslik muzeyi ochildi. Bu ilk muzey bo`lib, yurt tarixi, ajdodlarimiz turmushi, xalq hunarmandchiligiga xos 700 dan ortiq eksponatlar qo`yilgan. Muzey o`quvchilar kuchi bilan tashkil qilindi. Bu erdagi buyumlar o`zining 2500 yilligini nishonlashga hozirlanayotgan Xevaga bag`ishlangan.

Ro`zimboy HASANOV.

XOSIYATLI OZUQA

TOSHKENT. O`zbekiston Fanlar Akademiyasi Botanika instituti fotobiotexnologiya laboratoiyasi olimlari suv o`tlarining yangi xosiyatlarini o`rgandilar. Bunday o`tlarning suspenziyasi chorvachilik, pillachilik va parrandachilikda biostimulyator sifatida asqotmoqda. Paxtachilikda yaxshi samara bermoqda. Mo`ynachilikda ham qo`l kelyapti. Xususan, mo`ynalar sifatini 15 - 18 foizga yaxshilarkan. Suv o`ti biomassasiga kimyoviy ishlov berish bilan yog` kislotalari, aminokislotalar, xolorofil, korotin kabi moddalar ajratib olinmoqda.

X. BERDIQULOV.

Минск шаҳридаги «СТЕЦКЕВИЧ» акционерлик жамияти пахта толасини **СОТИБ ОЛАДИ.** Шу ишга қизиққанларни доимий ҳамкорликка чақирамиз. **Минск шаҳридаги телефон-факс: (017) 228-50-28, 228-51-28.**

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги «Умид-93» фирма масъулияти чекланган жамиятнинг фаолияти
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади.
Маълумот учун телефон: 50-51-33.

***

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги «Саодат» кичик ишлаб чиқариш корхонасининг фаолияти
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

* * *

Тошкент шаҳридаги «Она ва фарзанд» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг фаолияти
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Миробод Туманидаги «Пилот-Плюс» (PILOT PLUS) масъулияти чекланган жамиятнинг думалоқ муҳри ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши Тошкент туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати Ҳаким Азимовга турмуш ўртоғи **Холпошша АЗИМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.